БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 290 (16.676). | 15 декабрь 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК КЎРИГИ

14 декабрь куни Москвада «Коммунист ҳақида қисса» янги ҳужжатли кинолентанинг жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди.

Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси яратган картина-премьерасини кўриш учун москваликларнинг вакиллари «Октябрь» кинотеатрига келдилар.

Кинохрониканинг кўпсонли ҳужжатли кадрларидан ва турли йиллардаги фотосуратлардан ташкил топган фильм КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг ёркин ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилади. (ТАСС).

# ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА МХР МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

А. Пахомов фотоси.

Мукофотларни топшириш пайти

МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал 14 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга МХР ҳақрамонининг Олтин Юлдузи ва Сухэ-Батор орденини топширди. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССРда коммунизм қурилишидаги, жаҳон социализмини ҳимоя қилиш ҳамда унинг куч ва қудратини кўпайтиришдаги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун, КПСС билан МХРП ўртасидаги, ССРР билан МХР ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва мустаҳкам ҳар томонлама ҳамкорликнинг бузилмас алоқаларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашдаги жуда катта роли, халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлиги учун курашдаги юксак ташаббускор ва самарали фаолияти учун Монголия Халқ Республикасининг ана шу олий мукофотларига сазовор бўлди.

МХР мукофотларини топшириш вақтида Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Ю. Цеденбал ва Л. И. Брежнев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

## Ўртоқ Ю. ЦЕДЕНБАЛ нутқи

Азиз ўртоқ Брежнев!

Ҳурматли ўртоқлар!

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми ва Министрлар Кенгаши номидан, меҳнаткаш монгол халқи номидан ва шахсан ўз номимдан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, қалин дўстимиз ўртоқ Леонид Ильич Брежневни туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклаш ва унга мамлакатимизнинг олий ҳукумат мукофоти — МХР ҳақрамонининг Олтин Юлдузи ва Сухэ-Батор орденини топширишдек юксак шарафга муяссарман.

Замонамизда инсоният ривожининг бош йўлини белгилаб турган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг порлаб турган ёруғ юлдузлари туркумида ленинизм ва Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ватани, социализм ва қурилаётган коммунизм ватани — улуғ Совет Иттифоқи марказий ва етакчи ўринда турганлигини шу тантанали пайтда завқ билан таъкидлайман. Коммунистик жамият бинокорлари бўлган совет кишиларининг улкан муваффақиятлари ва меҳнатдаги одимлари, Советлар мамлакати иқтисодий ҳаётининг қудратли жўшқинлиги планетамизнинг ҳамма жойларида тобора равшан сезилиб, жаҳон ривожининг боришига зўр таъсир ўтказмоқда. Бутун инсониятга коммунистик келажакнинг нурафшон йўлини дадил очиб бораётган совет халқининг жаҳоншумул — тарихий зафарлари Ленин партияси ва унинг Марказий Комитетининг қаҳрамона фаолияти билан, замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг номи билан чамбарчас боғланган. Халқлар ва коммунистлар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигининг мустаҳкамланишини, социализм, тинчлик ва демократия кучларининг позицияларини кучайишини ҳақли равишда унинг номи билан боғламоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, Сиз халқаро майдондаги изчил ва тинимсиз фаолиятингиз билан, собиқдан ва матонатли курашингиз билан ер юзида стабилликни сақлаш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига, жаҳонда кескинликни юмшатиш ишига бебаҳо ҳисса қўшдингиз ва қўшаяпсиз, эндиликда кескинликни юмшатиш халқаро ҳаётдаги устун тенденция бўлиб қолди. Дунёдаги тараққийпарвар кучлар Сизнинг тинчлик, халқаро ҳавфсизлик ва қуролсизланиш йўлидаги тинимсиз куч-гайратингизнинг аҳамиятини чуқур тушуниб турибди. Фашист агрессорларга қарши қонли жангларнинг актив қатнашчиси бўлган Сиз халқларга тинчлик нақадар қимматга тушганлигини ўз кўзингиз билан кўргансиз, қуролли курашнинг ажал келтирувчи замонавий воситаларини ишга солиш инсоният учун тасвирлаб бўлмайдиган нақадар хавф келтиришини равшан тасаввур қиласиз.

Сиз, азиз ўртоқ Брежнев, монгол коммунистлари учун, бутун халқимиз учун ҳамиша улуғ Ленин ишни йўлида матонатли курашчи бўлиб келдингиз ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибсиз, қудратли-ғоявий қурол — марксизм-ленинизм туфайли, социализм ва коммунизм қуриш манфаатлари ҳамда мақсадларининг муштараклиги туфайли бирлашган партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ғоят самимий иттифоқ, дўстлик ва қардошлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг изчил жарчиси бўлиб келдингиз ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибсиз.

Монгол меҳнаткашларининг ўз озодлиги ва мустақиллигини қуришиб қўлга киритишда ҳамда уни империалистик босқинчиларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилишда ўз қутлуғ қонларини тўкиб ва азиз жонларидан кечиб ёрдам берган совет кишиларининг қаҳрамонона жасорати миннатдор Монголия меҳнаткашлари хотирасида абадий сақланиб қолган. Урушдан аввалги кескин ва тахликали дамларда, фашистлар дунё халқларига тажовуз қилишга шайланиб турган бир пайтда монгол халқига ёрдамга келган совет жангчилари орасида сиёсий ходим Л. И. Брежнев ҳам бор эди. Ҳурматли Леонид Ильич, совет—монгол дўстлигини ҳар тарафлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, МХР экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, унинг халқи фаровонлигини оширишда кўп томонлама ёрдам беришда Сизнинг хизматларингиз жуда катта.

Социалистик Монголиянинг ҳурматли юбиляримизга бугун топширилаётган мукофоти монгол халқининг ўз содиқ дўсти — қаҳрамон совет халқига, унинг шонли ленинчи партиясига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, мамлакатимизнинг қалин дўсти ўртоқ Л. И. Брежневга чексиз меҳр-муҳаббати ва миннатдорчилиги ифодасидир.

Азиз ўртоқ Брежнев, МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали Президиуми ва Министрлар Кенгаши номидан, бутун монгол халқи номидан Сизга МХР қаҳрамони унвони берилганлиги муносабати билан сизни самимий ва қизғин табриклашга, Сизга узоқ йиллар сиҳат-саломатлик, тараққийпарвар инсониятнинг тинчлиги ва бахт-саодати йўлида, социализм ва коммунизм тантанаси йўлида бундан-буён ҳам самарали ишлашингизни тилашга ижозат бергайсиз.

## Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Цеденбал!

Азиз дўстлар!

Юксак мукофот учун Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросига ва Буюк Халқ Хурали Президиумига чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Бу—Осиёдаги мард, илғор мамлакат Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони унвонига сазовор бўлиш чиндан ҳам катта шарафдир. Бу мамлакатнинг халқи социализм қуриш йўлига ўтганига ярим асрдан кўпроқ вақт бўлди, биз бу мамлакат билан ярим асрдан ортиқ вақтдан бери жангларда ва меҳнатда қардошлар, сафдошлар, маслакдошлар бўлиб, қўлни-қўлга бериб, бирга боряпмиз.

Мен қаҳрамонлик Олтин Юлдузи ва Сухэ-Батор орденини давлатларимиз, партияларимиз ва халқларимиз бузилмас дўстлигининг рамзи деб қабул қиламан. Мен бу мукофотга неча минглаб совет кишилари ҳақли равишда шерик эканликларини англаган ҳолда уни қабул қиламан.

Булар — қардош монгол халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда ўз қони ва жонини ҳам аямаган кишилардир.

Булар — ўзларининг интернационал бурчини бажо келтириб, ҳозир Дархан ва Эрдэнэт қурилишларида монгол ўртоқлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган, Монголия диёрида социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ўз билими ва тажрибаси билан ёрдам бераётган совет ишчилари, инженерлари, техниклари, турли соҳа мутахассисларидир.

Бу мукофотни Монголия Халқ Революцион партияси билан биргаликда бузилмас совет—монгол дўстлигининг ижодкори ва илҳомчиси бўлган улуғ Ленин партиясига берилган мукофот деб биламан.

Мамлакатларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги йил сайин тобора чуқурлашиб, мазмунан тобора бойиб бораётганлигини ҳис этиш қувончлидир. Ўртоқ Цеденбал, Сизнинг бошчилигингиздаги Монголия партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити вақтида бир биргаликда қабул қилган қарорлар ҳамкорлигимизнинг, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришнинг янги босқичини очади. Бу — биз Улан-Баторда ўн йилдан кўпроқ вақт муқаддам имзолаган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг ҳарфи ва руҳини амалда яхши рўёбга чиқаришнинг ёзидир!

Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони зиммамга катта масъулият юклайди. Азиз ўртоқ Цеденбал, мамлакатимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари совет—монгол дўстлиги ишига бундан буён ҳам содиқ бўлиб қоладилар, деб Сизни ишонтирмоқчиман. Биз Совет Иттифоқи билан Халқ Монголияси ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни янада ривожлантириш учун, социализм ва тинчлик кучларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда жипслаштириш учун, барқарор марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлида ҳамма ишларни қилаверамиз.

Мен бўлсам, шу улуғ мақсадларга эришиш йўлида куч-қувватимни аямайман, бунга монгол дўстларнинг ишончи комил бўлаверсин.

**(Ўртоқ Ю. Цеденбал ва ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди).**

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Леонид Ильич Брежневни юксак мукофотлар топширганлиги билан астойдил табриклаб, унинг бутун дунёда тинчлик ва мустаҳкамлаш йўлида, инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашини тиладилар.

(ТАСС).

## ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИНИНГ IV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети кўп миллионли коммунистлар отряди ва бутун совет халқи номидан шонли Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг IV съезди делегатларига ва улар орқали Вьетнам Социалистик Республикасининг коммунистларига, барча меҳнатчиларига қардошлик саломи йўллайди.

Сизларнинг съездингиз қаҳрамон Вьетнам ҳаётидаги тарихий маррада ўтмоқда. Вьетнам ватанпарварларининг озодлик, мустақиллик, тинчлик ва ватанни қайта бирлаштириш йўлидаги кўп йиллик фидокорона кураши ғолибона тугалланди. Социалистик мамлакатлар, бутун дунё тараққийпарвар жамоатчилигининг қизғин ҳайрихоҳлиги ва мададкорлигидан доимо баҳраманд бўлиб келаётган Вьетнам халқи матонат ва жасорат, ғалабага букилмас ирода намунасини кўрсатиб, империалист агрессорларни ва уларнинг малайларини мағлубиятга учратди, шимолда социализм ғалабаларини ҳимоя қилди ва мустаҳкамлади, жанубда миллий-демократик революцияни амалга ошириб, ягона Вьетнам Социалистик Республикасини барпо этди.

Халқнинг асрий орзу-умидлари, биринчи Вьетнам коммунисти атоқли революционер Хо Ши Мининг васиятлари рўёбга чиқарилди. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси босиб ўтилган йўлнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрлана олади. Коммунистлар Вьетнам халқининг бахт-саодати ва озодлиги учун курашчиларнинг ҳамиша биринчи сафида бориб, мардлик ва меҳнаткашлар манфаатларига садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатдилар. Партиянинг марксизм-ленинизм таълимотини Вьетнамнинг конкрет шароитларида ижодий қўлланишга асосланган изчил сиёсати халқ эришган буюк ғалабаларнинг ҳал қилувчи омили бўлди. Коммунистларнинг, вьетнамлик барча ватанпарварларнинг жасорати инсониятнинг озодлик кураши йилномасига энг ёркин саҳифалардан бири бўлиб абадий ёзилиб қолди, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм кучлари позицияларини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Совет коммунистлари, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари фидокорлик билан тўлиб тошган қийин курашда ва янги жамият қурилишида доимо Вьетнам тарафида туриб, қардош партия ва халқнинг ажойиб ютукларини қизғин табриклайдилар.

Эндиликда Вьетнам халқи тинч қурилишнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олди. Меҳнаткашлар партиясининг IV съезди қабул қиладиган муҳим қарорлар мамлакатни социалистик ривожлантириш программаси бўлиб қолади. Вьетнам Социалистик Республикасининг қаҳрамон ишчилар синфи, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари ўзининг марксчи-ленинчи авангарди атрофида маҳкам жипслашиб, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари билан бир сафда бориб, партия IV съезди қарорларини бажарадилар, Вьетнам диёрида социализмнинг моддий-техника базасини барпо этишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, ўз Ватани шуҳратини оширадилар.

Азиз дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги алоқалар муттасил мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари, мамлакатларимиз коммунистларининг синфий мақсадлари ва муддаолари муштараклиги шу алоқаларга негиз қилиб олинган. КПСС СССР билан ВСР ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилишга азми қарор берган. Империалист агрессорларга қарши курашда ҳам КПССнинг, Совет Иттифоқининг кўмаги ва мададига қаттиқ умид боғлай бериши мумкин.

Жаҳон революцион кучларининг жанговар отряди бўлган Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўз фаолиятида чексиз ватанпарварлик билан изчил пролетар интернационализмини узвий равишда қўшиб олиб бормоқда. Революциянинг янги босқичида ҳам вьетнамлик коммунистлар жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини, империализмга қарши барча курашчиларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, тинчлик, халқаро ҳавфсизлик, демократия ва социализм учун курашга муносиб ҳисса қўша беради, деб ишонч билдирамиз.

Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг IV съездига тўла муваффақият тилаймиз!

Яшасин қаҳрамон Вьетнам халқининг жанговар марксчи-ленинчи авангарди — ВМП!

Жануби-Шарқий Осиёда социализмнинг мустаҳкам қўрғони — Вьетнам Социалистик Республикаси мустаҳкамланиб, гуллаб-яшнайверсин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг жанговар бирдамлиги, Совет ва Вьетнам халқларининг бузилмас дўстлиги абадий яшайверсин!

Яшасин коммунизм!

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

## ВМПнинг IV СЪЕЗДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). 14 декабрь куни бу ерда Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг IV съезди очилди. Делегатлар ВМП Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботини муҳокама қиладилар, экономикани ривожлантириш ва қайта қуриш беш йиллик (1976—1980 йиллар) планининг асосий йўналишларини белгилайдилар, устав қабул қиладилар, партиянинг марказий органларини сайлайдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бошчилигидаги КПСС делегацияси иштирок этмоқда.

Съездда ВМП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ле Зуан ВМП Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини қилди.

## ПАРТИЯ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН

Ўзбекистон ёш ишчиларидан 21 мингдан кўпроқ киши, 13 минг комсомол-ёшлар коллективи йиллик топшириқни муваффақиятли бажардилар. Ҳозирги вақтда ёш меҳнатчилардан 900 минг киши Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига КПСС Марказий Комитетига йўлланадиган Ленин комсомолининг рапортини имзолаш фахрий ҳуқуқига эга бўлиш учун курашмоқда. Бу мисоллар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кеча Тошкентда бўлиб ўтган пленумида айтиб ўтилди. Пленумда КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг якунлари ҳамда «Ёшларнинг ғайрат-шижоати ва ижодкорлиги — самарадорлик ва сифат беш йиллигига» ҳаракатини авж олдириш соҳасида республика комсомол ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов доклад қилди.

КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида ҳар бир ёш меҳнатчи олдига қўйилган талабларни чуқур тушуниб олишда унга кўмаклашиш кераклиги комсомол ташкилотларининг фахрли вазифаси эканлиги пленумда таъкидлаб ўтилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

## Ю. ЦЕДЕНБАЛ МОСКВАГА КЕЛДИ

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 14 декабрда дўстлик визити билан Москвага келди.

МХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Ўртоқ Ю. Цеденбални Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ўртоқлар, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат О. Б. Раҳманин, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов кутиб олдилар.

Аэродромда МХРнинг СССРдаги элчиси Х. Банзрагч бор эди.

(ТАСС).

## Л. И. БРЕЖНЕВ Ю. ЦЕДЕНБАЛ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев 14 декабрь куни Кремлда МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал билан учрашди.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал ўртоқлар КПСС билан МХРП, Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасидаги кўп соҳаларда кенг миқёсдаги ҳамкорликнинг ривожидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Шу билан бирга улар МХР партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити чоғида эришилган битимлар ва аҳдномалар муваффақиятли бажарилаётганлиги аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар. Суҳбат чоғида бир қанча актуал халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

Суҳбат самимий, дўстона ва тўла якдиллик вазиятида ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал шарафига зиёфат берди.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН ВАРШАВАГА КЕЛДИ

13 декабрь куни ўртоқ А. Н. Косигин Варшавага келди. Аэродромда уни Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси, П. Ярошевич, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, ПБИП Марказий Комитети секретарлари Э. Бабюх, С. Ольшовский, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

## ВАРШАВАДА УЧРАШУВ

ВАРШАВА, 13 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун шу ерда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси П. Ярошевич билан учрашди.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари ПХР партия-давлат делегациясининг СССРга қилган визити якунлари хусусида шу йил ноябрь ойида қабул қилинган қўшма баёнотда кўзда тутилганидек, Совет Иттифоқи билан Польша ўртасида дўстона ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Суҳбат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

П. Ярошевич кечқурун А. Н. Косигин шарафига зиёфат берди. Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари зиёфат чоғида дўстона қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ

14 декабрь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний СССРнинг космонавт-учувчиларига, фан ва маданиятнинг таниқли арбобларига, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига, ҳарбий саркардаларга орден ва медаллар топширди.

Космонавт-учувчилар В. Д. Зудов билан В. И. Рождественскийга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилди. Уларга «СССРнинг космонавт-учувчиси» унвони берилганлиги тўғрисидаги ёрлиқ ва гувоҳномалар ҳам топширилди.

Москва Давлат филармониясининг солисти, СССР халқ артисти Э. Г. Гильесга, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, медицина хизмати генерал-майори И. С. Колесниковга, станкосозлик ва асбобсозлик саноати министри А. И. Костоусовга, Моссовет номидаги Давлат академик театрининг артисти, СССР халқ артисти В. П. Марецкаяга, композитор А. Г. Новиковга Ленин ордени билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Уроқ ва Болға» олтин медаллари топширилди.

Ленин ордени билан тақдирланган кишилар орасида РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. Ф. Васильев, генерал-полковник К. С. Грушевой, СССР савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Трифонов, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халиловлар бор. Бирқанча ўртоқларга Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар Дўстлиги орденлари топширилди.

Армия генерали И. М. Третьякка Маршаллик юлдузи топширилди.

Н. В. Подгорний мукофотланганларни самимий табриклади, уларга яқинлашиб келаётган янги йилда — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

## ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

УРГАНЧ, 13 декабрь. (ЎзТАГ). Меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Советининг сессияси бўлди. Сессияда область ижроия комитетининг 1976 йилда қилган ишлари тўғрисидаги ҳисобот қараб чиқилди. Депутатлар ўнинчи беш йилликда ва 1977 йилда Хоразмнинг халқ хўжалигини ривожлантириш планларини, областнинг 1977 йилги маҳаллий бюджетини ва 1975 йил бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц нутқ сўзлади.

## ШУДГОР ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 декабрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

Биринчи устун —областлар; иккинчи устун — ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобидан); учинчи устун — топшириқнинг бажарилиш процента.

| | | |
|---|---|---|
| АНДИЖОН | 196,1 | 101,6 |
| НАМАНГАН | 148,1 | 100,7 |
| ТОШКЕНТ | 246,5 | 100,2 |
| Жиззах | 140,3 | 89,4 |
| Хоразм | 14,4 | 72,1 |
| Сирдарё | 125,1 | 71,1 |
| Самарқанд | 140,0 | 64,2 |
| Қашқадарё | 123,6 | 59,7 |
| Фарғона | 81,9 | 55,4 |
| Сурхондарё | 79,2 | 52,1 |
| ҚҚ АССР | 35,6 | 50,9 |
| Бухоро | 48,7 | 24,6 |
| Республика бўйича: | 1379,5 | 71,4 |

# Халқ контроли саҳифаси

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

## ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Олмалиқ шаҳридаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида қиш фаслига тайёргарлик яхши бормаяпти. Масалан, химия заводининг экстракция цехлари биноси ремонти тугалланмади, ойнаси синган деразалардан совуқ кириб турибди. Маиший химия заводида эса хом ашё омбори ички йўллар ва ишлаб чиқариш корпусларининг поллари ярим-ёрти ремонт қилинганича ташлаб қўйилибди. «Қалмоққир» конида карьер йўллари ҳалигача созлаб бўлингани йўқ. Шунингдек, 80-автобаза ва мис эритиш заводида ҳам қиш мавсумига пухта тайёргарликсиз киришилди. Олмалиқ шаҳар халқ контроли комитети текшириш пайтида аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан қарор қабул қилди ҳамда ана шу корхона раҳбарлари зиммасига ремонт ишларини тез тугатиш вазифасини топширди.**

## ЎРИНДОШМИШ

**Сирдарё область халқ контроли комитети шаҳар ва районлар маданият бўлимларида молия интизоми аҳволини текширди ва баъзи жойларда жиддий камчиликлар рўй бераётганлигини аниқлади. Жумладан, Ширин шаҳар маданият бўлимида ўриндошлик йўли билан ишлаш қоидасига хилоф иш тутилмоқда. Боёвут ва Ховос районлари маданият бўлимларида эса ўриндошлик йўли билан ишлаётганларга икки—икки ярим минг сўмдан ортиқча ҳақ тўланган. Область халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, маданият бўлимларининг мудирлари Гаврилова, Жумаева, Азимов ўртоқларга виговор эълон қилди.**

## ИШОНЧНИ ЙЎҚОТДИ

**Орджоникидзе йўл қурилиш ремонт участкасида бир неча йилдан бери бажарилган иш планда ошириб кўрсатилаётгани ҳақида Тошкент область халқ контроли комитетига сигнал тушди. Ўтказилган текширишда участка бошлиғи Содиқовнинг масъулиятсизлиги натижасида 1974 йилдан бери район территориясидаги кўча ва майдонларга ётқизилган асфальт миқдори нормадагидан ошириб ҳисобга киритилаётгани маълум бўлди. Қибрай — Красний водопад посёлкаси, Тошкент — Чимкент йўлларига асфальт ётқизишда ана шундай қилинди. Текширишда шунингдек, Содиқовнинг дағал муомилалиги, ўзбилармончилиги, кўп вақтини шахсий ишлари билан ўтказиши ҳам маълум бўлди. Область халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, ишончни йўқотгани учун участка бошлиғи Содиқов ва бош инженер Қодировни ишдан бўшатишга қарор қилди.**

**САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ УЧУН КУРАШНИНГ МАЪНОСИ ШУКИ, ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИ, ҲАР БИР МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ ЮКСАК МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ЭРИШУВИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТИЗОМИ ВА ТЕЖАМКОРЛИККА ҚАТТИҚ РИОЯ ҚИЛИШИ, ЎЗ ИШИНИНГ СИФАТИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИНИ КУН САЙИН ЯХШИЛАБ БОРИШИ КЕРАК.**

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмаси халқ назоратчиларининг актив иштироки билан бу ерда фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ўтказилаётган текширишларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга қаратилаётир. Яқинда Тошкент шаҳар халқ контроли комитети бирлашма халқ контроли группасининг бу муҳим иш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади. Суратда: корхона халқ назоратчиларидан (чапдан ўнгга) Н. Каморина, Л. Акбарова, А. Оқмирзаева, Р. Боганова, В. Омоновалар навбатдаги рейд пайтида. И. Глауберзон фотоси.

*НАЗОРАТЧИ МУЛОҲАЗАСИ*

## СИФАТ МАСЪУЛИЯТИ

**Йил охирлаяпти. Тез кунда самарадорлик ва сифат беш йиллигининг биринчи йилида қилинган ишларга якун ясалади. Бутун бир йил давомида эришилган муваффақиятлар, тўпланган бой тажрибалар сарҳисоб қилинади. Йил қўйилган камчиликлар, нуқсонлар синчиклаб ўрганиб чиқилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишнинг янги резерв ва имкониятларини ишга туширишнинг йўл-йўриқлари белгилаб олинади. Хўш, жойларда йил қандай якунланяпти? Қандай муваффақиятларга эришилди-ю, қандай камчиликларга йўл қўйилди? Ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланилдими? КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун халқ назоратчилари қандай иш олиб боришяпти? Қуйида Фарғонадаги пойафзал фабрикасининг ишчиси — халқ назоратчиси Н. Рисевнинг ана шу ҳақдаги мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

Мен одамларнинг магазинлардан ўзлари учун зарур нарса харид қилаётганидаги ўта синчковлигини кўп марта кузатганман. Турмуш шароитимиз ўзгариб, фаровонлигимиз ошиб боряпти. Кишиларнинг биз ишлаб чиқараётган маҳсулотга нисбатан талабчанлиги ҳам ўсиб боряпти. Энди улар маҳсулотнинг аъло сифатлилигини, пишиқ-пухтасини, бежиримини танлашади. Шунинг учун ҳам халқ истеъмоли молларининг сифатли ва яна сифатли бўлишига эришиш ҳар бир меҳнат коллективининг асосий шиорига айланиб бормоқда.

Бу ўринда мен ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиямиз Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқида «...Сифат деганда у ёки бу маҳсулотнинг пишиқ-пухталигинигина эмас, унинг модага мос келадиган безаги, фасонини ҳам тушунмоқ керак. Бунинг маъноси шуки, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни планлаштириш жиддий равишда яхшиланишга муҳтож. Бу соҳадаги план жуда эпчил бўлиши, истеъмолчиларнинг дид ва талаблари ўзгаришига дарҳол мувофиқлашиб бориши керак», деб айтган гапларини келтирмоқчиман. Чунки бу вазифа фақат биз — пойафзалчилар учунгина эмас, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқараётган бошқа саноат ходимлари учун ҳам шу куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қоляпти.

Хўш, бу вазифалар биз ишлаётган корхонада, умуман областимиз пойафзалчилари томонидан қандай амалга ошириляпти?

Областимизда иккита йирик пойафзал фабрикаси бор. Уларнинг бири Фарғонада, бошқаси Қўқон шаҳрида. Иккови ҳам республика енгил саноатида ўзининг салмоқли ўрнига эга. Ҳар иккала коллектив ўзаро мусобақалашиб меҳнат қиляпти. КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилган. Йилимиз сарҳисоби шуни кўрсатмоқдаки, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ишлаб чиқариш интизоми ва тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишнинг замонавий методларини қарор топтириш юзасидан кўпгина ишлар қилинди. Энг муҳими, аввалги йиллардаги каби штурмчилик барҳам топди. Цехлар, сменалар бир маромда ишлайдиган бўлди. Булар эса ҳар бир ой ва квартал планларининг муддатида муваффақиятли бажарилишида муҳим роль ўйнамоқда.

Булар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида амалга оширилган яхши тадбирлар бўлди. Аммо босиб ўтилган йўлга назар ташлайдиган ва ҳамма ишларимизни атрофлича таҳлил қиладиган бўлсак, барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаганлиги, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган кўпгина резервлар бефойда қолиб кетгани, жиддий камчиликларга ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги маълум бўлади.

Мен пойафзалчи ва айни пайтда халқ назоратчиси сифатида шаҳримиздаги магазинларда бўлиб, ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг харид аҳволини кўп марта кузатганман, кишиларнинг биз тиккан туфли ва ботинкалар сифати тўғрисидаги гапларини, фикр ва мулоҳазаларини кўп эшитганман. Афсуски, корхонамиз маҳсулоти ҳақида билдирилаётган бундай фикр ва мулоҳазалар кўпинча ҳақли эътирозлардан, жиддий танқидий гаплардан иборат бўляпти. Бу гапларни эшитганда, биз тиккан пойафзалларнинг магазинлар пештахтасида ва омборхоналарда харидор кутиб, чанг босиб ётганини кўрганда юрагим жуда-жуда ачишиб кетади. Бизнинг маҳсулотимизни асосий текширувчи, шу пойафзални сотиб олиб, фойдаланадиган харидорнинг фикр ва мулоҳазаларига жиддий қулоқ солиш зарурлиги ҳақида корхонамиз раҳбарларига неча-неча марталаб мурожаат ҳам қилганмиз. Аммо, афсуски, ишда силжиш рўй бермаяпти.

Энг аввало фабрикамизда ассортиментлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш графиги тез-тез бузилиб турибди. Планлаштирилган 13 та янги моделда пойафзал ишлаб чиқариш жорий этилмай қолгани, сунъий ва хром чармлардан тайёрланган маҳсулотнинг планда белгиланганига анча етмай қолгани сабаби ҳам ана шунда. Халқ контроли группаси бир неча марта маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирларининг амалга оширилишини текшириб, бир қатор камчиликларни аниқлаган ва уни маъмурият муҳокамасига тақдим этган эди. Бироқ, бундай камчиликлар ҳали ҳам давом этяпти. Брак маҳсулот тайёрлаган ишчиларга нисбатан жиддий чора кўрилмаяпти. Тайёр маҳсулот сортини пасайтириб, нуқсонларини тузатиш учун цехларга қайтариш ҳоллари ҳали ҳам давом этмоқда. Фарғона пойафзал фабрикаси ўтган икки йил ичида савдо ташкилотларидан 728 та, Қўқон пойафзал фабрикаси эса 136 та рекламация олиб, жами 952 минг сўм жарима тўладилар. Стандарт бўйича тайёрланмагани учун шу йилнинг ўзида фабрикамиз планидан 25 минг сўмлик 6 минг жуфт тайёр пойафзал чиқариб ташланди ва икки хил эркаклар ва аёллар туфлиларини реализация қилиш тақиқлаб қўйилди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш дастгоҳлар ёнидан бошланади. Биз бригадамиз аъзолари билан шу ҳақда жуда кўп марта суҳбатлашиб, сифатни оширишнинг йўл-йўриқларини излаб кўрганмиз. Конвейер усулида ҳамма ишчиларнинг фақат сифатли ишлаши айниқса муҳим. Чунки бир ишчи эътиборсизлик билан бракка йўл қўйса, бутун бир коллективнинг меҳнати самараси йўққа чиқиши мумкин. Ана шуни эътиборга олиб фабрикамизда кадрлар билан ишлаш, уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишни янада кучайтириш зарур.

Очиғини айтганда, корхонамизда ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун зарур моддий ва маънавий шароит яратиб берилган деб бўлмайди. Бу эса кадрлар ўртасида қўнимсизликни вужудга келтиряпти. Шу йилнинг ўзида инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг кўп қисми янгиланди. Корхона маъмурияти ёш кадрлар тайёрлашга ҳам эътиборни кучайтириши зарур. Фабрикамиз қошидаги 91-ишлаб чиқариш техника билим юрти дастгоҳ ва ускуналар билан етарли таъминланмагани сабабли ўқувчилар амалий ишни фабрикага келиб ўрганишга мажбур бўлмоқдалар. Булар эса ўз навбатида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маҳсулот сифатини оширишда қуйидан бўладиган ташаббусларнинг ҳам роли катта. Йил бошида фабрика цехларида «Сифат куни» ўтказиш расм бўлган эди. Дастлабки ойларда бу яхши натижа берди. Аммо ғамхўрлик бўлмагач, «Сифат куни» ва ишчилар кенгашини жонли ва амалий ўтказиш расмий тус ола бошлади. Бундай яхши тадбирларнинг ишчиларни, айниқса ёш ишчиларни тарбиялашдаги роли, таъсирчанлиги ва самарадорлиги ҳам сусайиб кетди.

Энди икки оғиз сўз таъминотчи ташкилотлар фаолияти ҳақида. Сирасини айтганда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигининг яна бир сабаби Самарқанд ва Қўқон кўн заводлари бизга сифатсиз хом ашё бераётганлигидадир. Ҳозир корхонамиз омборхонасида 3409 дециметрдан кўпроқ ҳеч нарсага ишлатиб бўлмайдиган сифатсиз чарм тўпланиб қолди. Кўн заводларига кўп марталаб рекламациялар ёзган бўлсак ҳам, сифатсиз хом ашё юбориш ҳамон давом этмоқда. Биз енгил саноат министрлиги коллегиясидан ана шу масалада бизга конкрет ёрдам беришларини сўраймиз.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми ўнинчи беш йилликнинг навбатдаги вазифаларини белгилаб берди. Пленум қарорида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди. Ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир халқ назоратчиси ўзининг бутун фаолиятини, куч-ғайратини ана шу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга қаратмоғи лозим.

**Н. РИСЕВ,**
**Фарғона пойафзал фабрикаси ишчиси.**

*АЖАБ САВДОЛАР*

## БАҲОНАСИНИ КЎРИНГ

Баъзи одамларга ҳайрон қоласан киши. Қинғир ишни қилиб қўйиб, дўппи тор келиб қолганда ҳамма айбни нимагадир, масалан, шайтоннинг бўйнига ағдаришади.

— Кечирасизлар, мени шайтон йўлдан оздирди.., — эмиш.

Шайтон-ку ўзи йўқ нарса, бор бўлганда ҳам бу гапларни эшитиб, ўзининг шайтон номини бошқа қўйворармиди. Яқинда бир йиғинда туппа-тузук одам бояги гапни тилга олганида хонада «гурр» этиб кулгу кўтарилиб, кимнингдир «шайтонни тинч қўйиб, ўғирлик қандай бўлганлигидан гапирсангизчи», деб луқма ташлаганини ўз қулоғим билан эшитдим. Аммо бояги одам куйиб-пишиб ўз гапини маъқуллашдан қўймасди:

— Менга ишонаверинглар, яхшилар. Ҳамма қилғиликни қилган ўша шайтон. Бизларни йўлдан оздириб, фириб бериб кетган ҳам, ҳамманинг кўз ўнгида идоранинг кассасига қўл солган ҳам ўша.

— Ким? Ким дейсиз?

— Альберт Абдуллаевични айтяпман, — деди «Спецэлеватормельстрой» трестига қарашли Шўрчидаги 3-қурилиш поездининг бошлиғи М. Келдиев ўз гапига аниқлик киритиб. Сўнг у жиноят қандай содир бўлганлигини гапириб берди.

...Альберт Аитов даставвал қурилиш поездига бош инженер бўлиб келганида бирам содда, бирам мўминқобил одам бўлиб кўринган эди-ки, қўяверасиз. Орадан бир ой ўтмай, бошлиқнинг бутун ишончини қозониб олди. М. Келдиевга шунақа чаққон ёрдамчи керак эди, дарров ҳамма ишни инженернинг зиммасига юклаб қўйди. Альберт Абдуллаевич ана шундан кейин ўзининг нималарга қодир эканлигини қурилиш ташкилотидагиларга кўрсатди. У енг шимариб ишга шундай киришиб кетдики, сўнг давлат кассаси билан шахсий киссаси ўртасидаги фарқни ҳам ажратолмай қолди.

Кунларнинг бирида А. Аитов бошлиқнинг ҳузурига кирди:

— Иш фронти кенгайиб, ишчи кучлари етишмаяпти. Штатни бироз кенгайтирсак қандай бўларкин?

Ҳар доим план ҳақида бош қотириб юрадиган М. Келдиевга инженернинг бу гаплари сариғ мойдай ёқиб тушди. У кадрлар танлашни ва уларни жой-жойига қўйишни Аитовга топширди. Альберт Абдуллаевич шу куниёқ катта энергетик Тожи Қобиловни ўзига ёрдамчи қилиб олди-да, ишга қабул қилинадиган кишиларнинг номларини рўйхатга бирин-кетин тушираверди. Аввал, ошна оғайниларининг, сўнгра таниш-билишларининг, қўни-қўшниларининг номларини ёзди.

Унинг таклифи билан «Коммуна» колхозидаги 37-мактаб ўқитувчиси Асҳад Тожиев меҳнат ва иш ҳақи бўлимига катта инженер, Шўрчи пахта тозалаш заводининг ишчилари Эшбой Гулмирзаев, Хушбоқ Худойбердиев қурувчи, Эдуард Поздняков, Бельяев, Раҳмонов деганларнинг бири пайвандчи, бири ғишт терувчи бўлиб қолишди. Уларнинг ҳар бирига 200 сўмдан 700 сўмгача иш ҳақи ҳам ёзилди. Аммо ҳар гал маош куни келганида бу қурувчилар «иш билан банд бўлиб қолгани» сабабли уларнинг ўрнига ведомостга Альберт Аитовнинг ўзи қўл қўйиб пулни олаверди. Азборойи ихлоси зўрлигидан қурилиш поезди бошлиғи М. Келдиев, бошлиқдан андоза олган бош бухгалтер А. Чекмасова ва унинг ўринбосари Р. Жонибековалар инженернинг бу ишига эътибор ҳам беришгани йўқ.

Альберт Абдуллаевич штатни кенгайтиргандан кенгайтираверди. Самарқандлик ошналаридан Аминов, Шпиков, Будило, Номозбоева деганларни ҳам сиртдан ишга қабул қилди. Ошна-оғайни ва қўни-қўшнилар поёнига етгач аввал ишдан бўшаб кетганларга навбат келди. Уларни ҳам киши билмас қайта ишга тиклаб маош ёзди. Мана энди М. Келдиев ҳамма айбни шайтоннинг бўйнига ағдариб ўтирибди:

— Шайтон йўлдан оздирди. Кечирасизлар, — эмиш.

Нукус шаҳридаги мебель фабрикасининг директори Т. Ерназаровнинг ҳам тилидан шу гап тушмай қолди. Буни қаранг-а, шундай баобрў, тажрибали директорни шайтон йўлдан оздирганмиш. Бўлмаган гап. Т. Ерназаровнинг ўзи юзта шайтонни йўлдан оздира олади. Шайтон деган шоҳида юрса, Т. Ерназаров баргида чопқиллайди. Бўлмаса у 16,3 минг сўмлик материаллар ишониб топширилган олтита ошнасининг бошидан силаб, бир неча йиллаб инвентаризация ўтказдирмай ўтирармиди. Бир пайтлар иши судланиб, моддий жавобгарлик лавозимига ўтказмаслик тўғрисида ҳукм чиқарилган К. Наврўзбоев деганни елкасига қоқиб, цех мудири қилиб қўйган ҳам Т. Ерназаровнинг ўзи. Фабрикада айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб тургандан кейин не-не ишларга қўл урмади у. Ҳатто ишчиларнинг касаллик варақаси учун тўланадиган ҳамда маҳсулотни реализация қилишдан тушган 7,8 минг сўмни ўзбошимчалик билан командировкачиларга улашиб ҳам юборди. Сири ечилиб, иши текшириладиган бўлгандан кейин айбни бўйнига олгиси келмай «Шайтон йўлдан оздирди» деб ўтирибди.

**Р. ТУРСУНОВ.**

*ГРУППАНИНГ ИШ УСЛУБИ*

## НАЗОРАТДАН МАҚСАД

**Тўрткўл районидаги Калинин номли колхоз халқ контроли группаси партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилиши устидан намунали назорат қилиб бораётгани алоҳида таъкидлансин. Группанинг иш тажрибаси республикадаги барча халқ контроли комитетлари ва группалари ўртасида кенг оммалаштирилсин.**

**(Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети қароридан).**

Эрталаб бошланган текшириш пешинга яқин тугади. Ҳамма назоратчиларга иш топилди. Бухгалтер Шири Бекниёзов ҳисоб-китобни, зоотехник И. Омондиқов озуқа рациони ва сут соғиш жараёнини, инженер Эрка Йўлдошев механизмлардан фойдаланиш аҳволини, бухгалтер Ашир Эгамбетов чорвадорларнинг иш шароитини синчиклаб ўрганишди. Текшириш давомида ферма фаолиятини янада яхшилаш имконини берадиган янги резервлар топилди. Масалан, сут соғиш жараёнида сигирлар пала-партиш соғилаётганлиги сабабли энг қуюқ ва ёғли сут қолиб кетаётгани, бу эса сутнинг ёғлилик даражасини ярим процентгача камайтираётгани маълум бўлди. Назоратчилар ишнинг устида туриб аниқланган камчиликларни тугатишга ёрдам беришди. Жумладан, ишлатилмаётган хашак майдалайдиган машиналар ишга туширилди, озуқа цехи тўла қувват билан ишлайдиган бўлди. Ем-хашак сарфи ва озуқа рационида тартиб ўрнатилди. Чорвадорларнинг ишдан бўш вақтда дам олишлари учун махсус хона ажратилди. Текшириш якунлари группа мажлисида муҳокама қилингандан кейин колхоз правлениеси бу хонани зарур нарсалар билан жиҳозлаш учун маблағ ажратди. Текшириш ўтказилгандан кўп вақт ўтмай, сигирлардан сут соғиб олиш миқдори 10 литрдан 12-13 литрга, сутнинг ёғлилик даражаси 3,7 процентдан 4,2 процентга етди.

Колхозимиз халқ контроли группаси хўжаликнинг турли соҳалари бўйича ўтказилаётган қисқа муддатли текшириш ва рейдларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бунга эришишда группа ишини тўғри ташкил этиш, айниқса ташкилотчилик ишларини сифатли олиб боришнинг роли катта бўлмоқда. Халқ контроли бош группасига учта цех группаси ва 24 та пост бирлашган. Энг актив мутахассислар, механизатор ва колхозчилардан 157 киши халқ назоратчиси қилиб сайланганлар. Биз ҳар бир ишда сифат ва самарадорликка эришишни назарда тутиб группа составида олтита сектор ташкил этганмиз. Деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, тежамкорлик ва иқтисод қилиш, социалистик мулкни сақлаш ҳамда ташкилий ишлар ва ахборот секторларига назоратчилик ишида бой тажриба тўплаган, ўз ишини яхши биладиган мутахассислар бошчилик қилишмоқда. Уларнинг орасида агрономлар, инженерлар, зоотехниклар ва ҳисоб ходимлари ҳам бор. 157 та халқ назоратчиси ана шу секторларга бўлиниб иш олиб боришади. Уларнинг ҳар бири доимий топшириққа эга.

Халқ контроли группаси ўзининг перспектив ва квартал иш планларини ана шу секторлар планига асосланиб тузиб чиққан. Бу планлар асосида ҳар ўн кунда бир марта хўжаликнинг у ёки бу соҳаси бўйича текшириш ва рейдлар ўтказилади. Биз кўпроқ фойда беришини ҳамда кишиларнинг қимматли вақтидан унумли фойдаланишни назарда тутиб, қисқа муддатли рейдлар ўтказишга алоҳида эътибор беряпмиз. Текшириш материаллари группа бюроси мажлисида ва йиғилишларда кўриб чиқилади. Агар зарур бўлса, бундай текшириш якунлари партия комитети ёки колхоз правлениеси муҳокамасига ҳам тақдим этилади.

Группа текшириш якуни юзасидан чиқарилган қарорнинг бажарилишини изчил назорат қилиб бормоқда. Бунда айниқса қайта текширишлар ўтказиш, қарорларнинг бажарилиши юзасидан бригада бошлиқлари, ферма ёки устахона мудирларининг ахборот ва ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитиб бориш яхши самара бермоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида 48 марта ўтказилган текшириш ва рейдлар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг кўпи узоқ вақт назорат остида бўлди. Техника ремонти борасидаги текшириш ана шулар жумласидан эди. Группа йил давомида бу соҳани ўзининг доимий диққат-эътиборида тутди. Бирорта трактор ёки пахта териш машинасининг узоқ вақт бекор туриб қолишига сира йўл қўйилмади. Ремонт сифатли бажарилди. Бу эса ўз навбатида 1363 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 38,6 центнердан анча ошириб пахта йиғиб териб олиш имконини берди. Шунингдек, давлатга сабзавот ва полиз маҳсулотлари, гўшт ва сут топшириш планлари ҳам муддатидан илгари бажарилди. Техникадан унумли фойдаланилгани сабабли 2750 тонна силос, 1152 тонна беда пичани тайёрланди. Чорва қишловига пухта тайёргарлик билан киришилди.

Ҳар бир ишда тежамкорлик ва иқтисод қилишга эришиш группанинг асосий вазифаларидан. Назоратчиларнинг таклифи билан амалга оширилган тадбирлар хўжалик бўйича 12 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий фойда бергани, 2 минг сўмликка яқин ёнилғи ва мойлаш материаллари тежаб қолингани, эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш ҳисобига 3654 сўм қўшимча иқтисодий фойда олингани ўтказилаётган текширишларнинг сифатли ва самарадорли бўлаётгани натижасидир.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш учун кураш, ўнинчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш колхозимиз халқ назоратчиларининг энг муҳим вазифасидир. Улар ўзларига топширилган бу вазифани сидқидилдан адо этадилар.

**С. НУРМАХОНОВ,**
**Тўрткўл районидаги Калинин номли колхоз халқ контроли группаси раиси.**

ҚИШЛОВ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ?

## АКТ ВА ФАКТ

Қишлов чорвадор учун синов. Аммо, Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхози чорвадорлари қишнинг бошиданоқ бу синовдан яхши ўтолмаяптилар. Қишлов пухта тайёргарликсиз бошлангани мавсумнинг биринчи кунлариданоқ маълум бўлиб қолди. Чорвачилик бригадаларида озуқа тайёрлаш планлари ўлда-жўлда бўлиб қолгани устига пичан ва аралаш озуқа сарфи қатъий назорат остига олинмади. Бундай аҳвол айниқса М. Исмоилов бошлиқ бригадада рўй бермоқда. Бригадир яқинда акт тузиб, «Сентябрь ойининг ўттиз куни мобайнида бузоқларга 315 тонна силос берилди», деб ёзди. Бу акт қалбаки эди. Чунки, совхозда силос чуқурлари 14 сентябрда очилиб, бригадага 65,7 тонна силос берилгани ҳаммага аён эди. Шундай бўлса ҳам совхоз бухгалтерлари кўзларини чирт юмиб актни қабул қилишаверди. М. Исмоилов эса бир варақ қоғозли акт соясида 161 тонна силосни йўқ қилиб юборди.

Совхозда фақат чорва озуқасигина эмас, чорвачилик маҳсулотлари ҳам талон-тарож бўляпти. Шу йилнинг ўтган ойларида 110 бош қўй сўйилиб, 2238 килограмм гўшт кирим қилинган эди. Актда таъкидланишича, гўштнинг 90 килограмми ошхонага берилиб, қолгани чўпонлар ўртасида тақсимланибди. Аммо коса тагида нимкоса гаплар кейин чиқиб қолди. Буни қарангки, бир неча чўпон йил бошидан бери жами 9,8 тонна гўшт истеъмол қилган эмиш. Бундай қалбаки актвозлик совхозга 11 минг сўм зарар келтирди.

Ҳуллас, «Қўқон» совхозида чорва қишлови ана шундай бошланди. Сира ҳавас қилиб бўлмайдиган қишлов.

**Я. ЗАВУЛУНОВ,**
**Фарғона область халқ контроли комитети инспектори.**

*НОМАЛАР, ҲАНГОМАЛАР*

### ЭҲТИЁТИ ШАРТ ТАДБИРЛАР

Тикувчилик игна билан қудуқ қазигандек гап. Жуда майда иш. Шунинг учун Андижондаги тикувчилик-галантерия фабрикасида қўл меҳнатини механизациялаш юзасидан бир талай тадбирлар белгиланганида ҳатто фабрика директори М. Бурхонов ҳам чапак чалиб юборди: «Мана энди маза қилиб машинанинг қулоғини бураб ўтира берасизлар». Икки гапнинг бирида у шундай дейдиган бўлиб қолди.

Аммо ойлар, ҳафталар ўтса ҳам қоғоздаги тадбирлар амалга кўчмади. Ҳамон ўша эски машиналару, эски ускуналар. Маҳсулот ишлаб чиқариш планлари ҳам аввалгидек бажарилса бажарилиб, бажарилмаса келгуси ойдан қарз кўтариляпти.

Бадиий буюмлар фабрикасида эса бироз бошқача аҳвол. Бу ерга янги машина ва ускуналар келтириб турилибди. Аммо машиналар ойлаб, йиллаб ўрнатилмайди. Масалан, ўтган йили олиб келинган бешта бўяш-ювиш машинасидан учтасининг тахи ҳалигача бузилгани йўқ. Директор И. Болтабоеванинг айтишича булар «Эҳтиёти шарт машиналар» эмиш.

**А. ТОШМАНОВ.**

### ФОЙДА ВА ЗАРАР

Тежамкорлик яхши нарса. Бухоро шаҳридаги 10-йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи О. Худойбердиев ҳар куни, ҳар соатда ана шунга амал қилади. У айниқса ўзи учун бошқарма ҳисобидан шахсий тежамкорликка ҳавас қўйган. Унинг учун сарф — харажатларнинг ҳамма тури ўз киссасидан эмас, давлат кассасидан бўлгани маъқул. У шунга амал қилиб, идорасидаги «ГАЗ-69» енгил автомашинасини иккита қилиб, шоферларга ишчиларга бериладиган юқори тарифда ҳақ тўлатди. Бошқарманинг Бухоро районидаги дала ҳовлисига қурувчилар ҳисобидан қоровул тайинлаб, ҳар ойда 90 сўмдан маош белгилади. Унинг талаби билан иккинчи группа бўйича тўланадиган иш ҳақи таърифи биринчи группа қилиб ўзгартирилиб, ҳамма қатори бошлиқнинг ўзи ҳам 290 сўм ортиқча ҳақ олди. Булардан ташқари 1974 йил февраль ойидан бери ўзи яшаб келаётган тўрт хонали уйининг газ, электр энергияси, сув, телефон ва квартира ҳақларини ҳам бошқарма бажараётган қурилиш-монтаж ишлари ҳисобига қўшиб юборди.

**А. САГАТОВ.**

### СЎЗДА ВА АМАЛДА

Ҳар ҳарфнинг бўйини бир газдан қилиб шиор ёзилди: «Чорвачилик комплекси қурилишини шу йилнинг фалон ойида тугаллаймиз!». Шиорда эҳтиёт шарт деб ойнинг номи кўрсатилмай бўш қолдирилди. «Бу ҳам бир ўнғайликда, — деди колхозлараро қурилиш бошқармаси бошлиғи О. Азимов, — шиорни ҳар ойда янгиламай, ойнинг номини ўзгартириб қўяқоламиз». Бу шиор «Партия XXII съезди колхозида қурилаётган чорвачилик комплексига келтириб ўрнатилди. Аммо қурилиш суръатида силжиш бўлмай, шиордаги ойларнинг номи ўзгараверди. Бояги бўш жойга аввал август, сўнг сентябрь деб ёзилди. Октябрь ҳам, ноябрь ҳам ўтди. Аммо сигирхона ва бузоқхоналар қурилиши чала-яримлигича қолаверди. Колхозлараро қурилиш бошқармаси раҳбарлари эса Жданов номли колхоз ва «Найман» совхозидаги туя гўшти еган чорвачилик комплекслари қурилишларига ўрнатиш учун янги шиорлар ёзиш тараддудида юришибди.

**Р. ХУДОЙБЕРГАНОВ.**

Расмларни А. Холиқов чизган.

Сара уруғ — ҳосили бўлиқ дейди халқимиз. Бунга амал қилган Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлигининг Чирчиқ дон қабул қилиш пункти ходимлари ўнинчи беш йиллигининг иккинчи йилида экилган уруғларни саралаб жўнатишга ҳозирлашяпти. Бу йил республикамиз колхоз ва совхозларига 6 минг тонна юқори сифатли маккажўхори уруғи жўнатилади. Суратларда: (ўнгда) лаборант Ҳонойим Юсупова, пункт ишчиси Нора Фозилова маккажўхори уруғини саралашяпти. Чапда эса омборхона бошлиғи В. Белич ва ишчи Қ. Абдураҳмонов ўртоқлар тайёрланган уруғлик сифатини кўздан кечиришяпти.

И. Глауберзон фотолари.

*КПСС XXV съезди делегатлари минбари*

# ШАХСИЙ ИБРАТ КЎРСАТАЙЛИК

## СВЕРДЛОВСКЛИК СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИ ТАШАББУСИ ИЗИДАН

Коммунистик қурилиш тарихида самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлиб қоладиган ўнинчи беш йилликнинг тўнғич босқичини якунлаш арафасидамиз. Ўтаётган йил муваффақиятларига, унинг самарали ишларига назар ташласак, КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор бунёдкорлик вазифалари нақадар изчил, ленинча собитқадамлик билан рўёбга чиқарилаётганлигини кўрамиз. Шунда ўша кунларнинг илиқ ҳаяжони, мамлакат олдида турган улуғвор вазифаларни бажаришда ҳар биримизнинг юксак масъулиятимиз ҳисси қалбларимизга янги-янги куч, илҳом бағишлаётганини сезамиз. Худди шу сезги, шу ҳиссиёт иш жойларимизда янада унумли меҳнат қилишга, прогрессив меҳнат усулларини қўллашга даъват этмоқда.

Ўзим шу кунларда нормадаги ўттиз етти ўрнига эллик олтита барабанда ишламоқдаман. Тўққизинчи беш йилликда 361 минг 900 килограммдан зиёд ип калаваладим. Шу тариқа бир беш йилликда икки беш йиллик марраси анча ортиғи билан эгаллашга муваффақ бўлдим. КПСС XXV съезди ишларида қатнашаётган кунларим ўз меҳнат жараёнимга зимдан назар ташладим. Шунда фойдаланилмаётган имкониятлар кўз ўнгимда яққол намоён бўлди. Иш вақтини янада тиғизлаштириш, ҳар бир операцияга сарфланадиган муддатни камайтириш ҳисобига тағин ҳам унумлироқ меҳнат қилиш йўлларини изладим. Ўша кезлари ўнинчи беш йилликда икки норма бажаришга қатъий бел боғладим. 1976 йил маррасини 30 июнь куни эгаллаб, ўз режаларим ҳаётийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Қувончлиси шундаки, йигираётган калаваларим ҳамиша юқори сифат билан қабул қилиняпти.

Коммунистнинг партиявийлиги шундаки, у шахсан ўзи ўз иш жойида унумли меҳнат қилиш билангина кифояланмайди. Съездга партия Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, коммунист ҳамиша олға интилиши, шахсий ибрати билан бошқаларни юксак довонларга даъват этиши, меҳнатдагина эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам янада фаолроқ, ҳужумкорроқ бўлиш намунасини кўрсатиши ғоят муҳимдир. Мен шу асосда ижтимоий фаолиятимнинг яна бир қиррасини белгилаб олдим. Бу касб маҳоратимни шогирдларимга қунт билан, сабот билан ўргатишимдан иборат. Ўнинчи беш йилликда 20 ёшга йигирувчилик ҳунарини ўргатмоқчиман. Ҳозир шулардан 6 кишига ҳунар ўргатяпман. Иш жойида меҳнатни ташкил этиш тажрибасини ўрганиб, улар ип калавалаш жараёнини тобора мукаммал эгаллаб олмоқдалар, кун-сайин самарали меҳнат қилмоқдалар.

Комбинатимизда ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилай бориш учун бошланган социалистик мусобақа кўлами тобора кенгаймоқда. Ҳозирда бу мусобақа даврасига 7 мингдан зиёд тўқимачимиз қўшилган. Уларнинг ярмидан кўпи ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари якунлаш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракати қатнашчиларидир. Ҳамкасбларимдан ўн олти киши бир беш йилликда икки беш йиллик маррани эгаллаш учун курашмоқда.

Комбинатимизда 600 киши йиллик планни бажарди. Йигирувчи Мунира Аблаева йил охиригача 40 тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат юксак мажбуриятини шараф билан бажармоқда. Назира Уразбахтина, Анастасия Калчанова, Ҳабиба Мамажоновалар ҳам шу кунларда 1977 йилни якунлаш арафасида туришибди. Ўзим йил охиригача планга қўшимча 50 тонна юқори сифатли калава ишлаб чиқариш юзасидан қабул қилган мажбуриятимни бугун-эрта бажараман.

Ҳамкасбларим билан кун сайин мулоқатда бўлиш, бошқа коллективларда меҳнаткашлар билан учрашувлар жараёнида ишчилар, колхозчилар, зиёлилар партия съезди илгари сурган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўриб беҳад қувонаман. Меҳнаткашлар партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, шахсан партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев совет халқининг турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакат экономикасини жадал ривожлантириш, жаҳонда тинчликни сақлаш соҳасида олиб бораётган улкан ишлардан қониқиш ҳосил қилаётганликларини кўраман. Областимизда партия съездининг делегатлари — марғилонлик атлас тўқувчи Абдубанноп Умаров, экскаваторчи Раҳмон Ризаев, Фарғона азот ўғитлари заводи ишчиси Усмонжон Ғиёсов, пахтакор Пошшахон Жўраева ва бошқа ўртоқлар жуда катта сиёсий-тарбиявий иш олиб бормоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Свердлов области саноати, қурилиш ва транспорти ишчиларига — КПСС XXV съезди делегатларига йўллаган мактуб уларнинг куч-ғайратини беқиёс ошириб юборди. Мактубда таъкидланганидек, меҳнат коллективларида жуда катта ҳурмат-эътибор қозонган, ҳамкасбларининг юксак ишончига сазовор бўлган съезд делегатлари ўз шахсий намуналари ва даъваткор сўзлари билан кишиларни янги марраларни эгаллашга ундамоқдалар. Уларни коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда янги довонларга бошламоқдалар.

КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бораётган съезд делегатлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Партия планларини бажаришда бевосита иштирок этиш ҳаётимизни янги мазмун билан бойитмоқда, ҳар биримизга бунёдкорлик бахтиёрлигини бахшида этмоқда.

Ёз ойларида областимиз саноат корхоналари транспорт ва қурилиш ташкилотлари ишчиларига Очиқ хат билан мурожаат этган эдим. Унда областимиз меҳнаткашларини Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кучайтиришга даъват этдим. Оддий ўзбек қизининг бу даъвати замондошлар қалбидан ўрин эгаллаганидан, унга юзлаб меҳнат коллективлари, минг-минглаб ишчилар ва колхозчилар лаббай деб жавоб берганларидан мамнунман. Лекин бугунги кунда, жуда катта бунёдкорлик ишлари мисли кўрилмаган кўлам касб этаётган бир пайтда бу даъватнинг масъулияти беқиёсдир. Шуни назарда тутиб, мен ҳамиша изланишга, унумдорликни оширишнинг янги резервларини излаб топишга ҳаракат қилмоқдаман. Тинимсиз ижодий изланиш ва меҳнат жараёнининг мароми муваффақиятимнинг асосидир.

**Шакархон МИРЗАБОБОЕВА,**
**Меҳнат Қизил Байроқ орденли Фарғона тўқимачилик комбинатининг ип калаваловчиси, КПСС XXV съезди делегати.**

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

# ПУХТА БИЛИМДОНЛИК ЙЎЛИДА

Она тили — ўрта мактабнинг 1-8-синфларида ўқитиладиган асосий фанлардан бири. У умумий таълим фанлари системасида муҳим ўрин тутиб, ўқувчиларнинг тўла саводли бўлишларини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса шу фан ўқитувчисидан ўзбек тили курсини назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал билиш, машғулотларни зўр маҳорат ва фаоллик билан олиб боришни талаб этади. Сўнгги йилларда республикамиз мактабларида барча фанлар сингари она тили ўқитиш сифати янада яхшиланди.

Ўзбек тили бўйича нашр этилаётган ўқув қўлланмалари ва брошюраларни она тили ўқитиш сифатини яхшилашнинг асосий омилларидан бири деб ҳисоблаш ўринли.

«Ўқитувчи» нашриёти яқинда «Ўзбек тили» (муаллифлар — М. А. Асқарова, К. Қосимова ва Ҳ. Жамолхонов) дарслигини нашр этди.

Бу дарслик педагогика билим юртларининг студентлари учун мўлжаллаб ёзилган. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртларининг тайёрлов группаси тингловчилари ҳам ундан фойдаланишлари мумкин.

Дарслик «Фонетика», «Лексикология ва фразеология», «Морфология» ва «Синтаксис» бўлимларидан иборат. Орфография, орфоэпия ва пунктуацияга оид қоидаларнинг берилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Дарсликнинг «Фонетика» ва «Морфология» бўлимлари ҳар тарафлама пухта ёзилган. Ўзбек тили илмий грамматикасида баён этиладиган қонун-қоидалар содда ва равон тушунтириб берилган. Ўқув қўлланмасининг «Синтаксис» бўлими ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу бўлимда синтаксис ҳақида умумий маълумотлар билан бирга қўшма гаплар борасида кенг баҳс юритилади.

«Ўзбек тили» ўқув қўлланмаси педагогика билим юртлари учун биринчи бор нашр этилди. Унинг афзаллик томонлари жуда кўп.

Тушунтирилган у ёхуд бу қоидадан сўнг машқлар берилади. Йирик бўлимлар ўтиб бўлингач, такрорловчи машқлар ҳам ўз ўрнида.

Китобнинг янада мукаммал бўлиши учун айрим истаклар бор. Машқлар изчиллигига риоя қилинса айни муддао бўлур эди. «Фонетика» бўлимида баён этилган қонун-қоидалардан сўнг топшириқлар берилса, кейинги бўлимларда бу кўзга ташланмайди. Бу таклифлар катта ижодий меҳнатнинг самараси бўлган ўқув қўлланмаси қимматини пасайтирмайди.

**Ҳ. СУЛТОНОВ.**

# ПЛАНЕТАМИЗДА

# МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ИДЕАЛЛАР УЧУН КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

## ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЖУРНАЛИДА Л. И. БРЕЖНЕВ ТЎҒРИСИДАГИ МАҚОЛА

ПРАГА, 13 декабрь. (ТАСС). ЧКП Марказий Комитетининг «Живот страни» («Партия турмуши») журналида «Ленин партиясининг содиқ фарзанди» сарлавҳали мақола босилди. Мақолада бундай дейилади:

Совет, партия ва давлат раҳбарлари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Л. И. Брежневнинг бутун ёрқин ҳаёти янги ижтимоий тузумни барпо этишга, марксча-ленинча идеалларни амалга ошириш учун ва бутун дунё халқларининг тинч ҳамкорлиги учун курашга бағишланган. Л. И. Брежнев кўпгина давлат ва партия лавозимларини ленинчи коммунистга хос битмас-туганмас ғайрат билан адо этиб келмоқда, у коммунизм ғояларининг тантанаси учун принципиал курашчи сифатида жуда катта қобилиятга эга эканлигини ҳамиша кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда.

Л. И. Брежневнинг ҳаёт йўлини, унинг бутун фаолиятини Ленин меросини ижодий қўлланиш ва ривожлантириш даври деб таърифлаш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг ривожланган социалистик жамиятни узлуксиз қуришга, коммунизмга ўтиш учун замин вужудга келтиришга қаратилган куч-ғайрати Л. И. Брежневнинг номи билан айниқса чамбарчас боғлангандир.

Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV ва XXV съездларида қилган асосий докладлари ривожланган социалистик жамиятни барпо этишда Советлар мамлакатининг эришган тарихий тажрибасини ҳар тарафлама умумлаштирувчи муҳим назарий ва сиёсий ҳужжатдир. Бу докладлар социалистик ва коммунистик жамият қуриш тўғрисида Ленин васиятларини ижодий ривожлантирувчи ҳужжатлардир. Бу докладлар ривожланган социализм шароитида коммунизм қурилиши тўғрисидаги марксизм-ленинизм таълимотини бойитади.

Коммунистик қурилиш жараёнида партия раҳбарлик ролининг кучайтирилиши ва такомиллаштирилиши социализмни янада ривожлантириш масалаларига комплекс ёндашишнинг ифодасидир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида коммунизм қурилишининг мураккаб вазифаларини ҳал этишда асосий мувофиқлаштирувчи ва раҳбарлик қилувчи омил бўлган партиянинг роли ўсганлиги принципиал тарзда далиллар билан кўрсатиб ўтилган. Л. И. Брежнев янги ижтимоий системани барпо этишнинг мана шу асосий масаласи хусусида В. И. Ленин ғояларини илмий негизлар билан ривожлантирди.

Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПССнинг ҳозирги бутун раҳбарлик фаолияти партиянинг марксизм-ленинизм принципларини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган сиёсатининг чуқур илмий сиёсат эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирги тарихий жараённинг энг асосий қонуниятларини ва перспектив тенденцияларини ижодий асослай олиш қобилияти буни кўрсатиб турибди. Бу — ижтимоий ҳаётда ва янги сиёсий вазиятда янги-янги воқеаларга объектив ва тўғри баҳо беришдан иборат реалистик ёндашишдир. Бундай сиёсий йўл ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу йўлнинг амалга оширилиши Л. И. Брежневнинг амалий фаолияти билан бевосита боғлангандир.

Совет давлати ва Советлар мамлакатининг шахсан Л. И. Брежнев амалга ошириб келаётган ташқи сиёсати жаҳондаги икки асосий ижтимоий системанинг тинч-тотув яшаш ленинча концепциясини амалга ошириш, жаҳондаги барча халқлар ўртасида ижобий ҳамкорлик ва тинч муносабатларни ривожлантириш йўлида айниқса кейинги йилларда бир қанча катта-катта муваффақиятларга эришди. Ҳозирги халқаро муносабатларда Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги активлиги ва обрў-эътибори ўсганлиги Л. И. Брежневнинг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Халқаро кескинликнинг юмшатилиши, шу билан бирга Совет Иттифоқининг кўрсатган ташаббуслари ҳозирги замон халқаро муносабатлар ривожида ҳал қилувчи йўналиш бўлиб қолди.

СССРнинг олиб бораётган ташқи сиёсати — айни вақтда жаҳон революцион жараёнини тобора ривожлантириш, жаҳон ишчилар ҳаракатининг ва барча антиимпериалистик кучларнинг синфий манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш сиёсатидир.

Леонид Ильич Брежнев ҳамкорликни ва социалистик интеграция жараёнини чуқурлаштиришга, жаҳон ҳамдўстлигидаги Коммунистик партиялар ҳаракатининг бирлигига муҳим ва самарали ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнлар социализм мамлакатларини бир-бирига яқинлаштиришга, уларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Ҳаракат бирлиги эса жаҳон тараққиёт кучларининг бундан кейин ҳам тинмай ривожланишининг ҳал қилувчи шартидир. Бизнинг халқимиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга Л. И. Брежневнинг қўшган ҳиссасини ғоят юксак қадрлайди.

Л. И. Брежневнинг бутун фаолияти марксизм-ленинизмнинг туб принципларидан бири бўлган пролетар интернационализмини изчиллик билан амалга оширишга қаратилгандир. Л. И. Брежневнинг кун сайин сарфлаётган куч-ғайратида, унинг бутун ҳаёти ва фаолиятида пролетар интернационализми принципларини ривожлантириш ғояси яққол намоён бўлмоқда.

# ДАВРИМИЗНИНГ АТОҚЛИ АРБОБИ

ГАВАНА, 13 декабрь. (ТАСС). Леонид Ильич Брежневнинг юбилейи — барча совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг катта байрамидир, деди Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Родней Арисменди ТАСС мухбири билан суҳбатда. Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти совет халқининг қаҳрамонона тарихи билан, СССРда ривожланган социализм ва коммунизм қурилиши билан, фашизмга ва нацизмга қарши кураш қаҳрамонномаси билан чамбарчас боғланган.

Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимидаги кўп қиррали фаолияти бошқа партия ва давлат лавозимларида илгари ишлаган пайтидаги фаолияти каби марксча-ленинча принципиаллик ва собитқадамлик руҳи билан суғорилган. КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва бутун партиянинг коллектив раҳбарлик принципларига негизланган ишига Л. И. Брежнев ўзининг шахсига хос бўлган ҳамда унга совет халқида, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, умуман халқаро майдонда юксак обрў-эътибор келтирган жуда қимматли фазилатларни қўшди.

Тинчлик программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Л. И. Брежневнинг роли нақадар катталигини бутун дунё билади. КПСС билан Совет давлатининг бутун социалистик ҳамдўстлик билан мустаҳкам бирликда ўтказилаётган тинчликсевар ташқи сиёсат фаолиятига раҳбарлик қилишда Л. И. Брежнев халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва янги вайронагарчилик уруши хавфини йўқотиш учун ҳамма имкониятларни топиб, улардан фойдалана билади. У ялпи тинчлик учун жиддий, изчил, матонатли ва фидокор курашчи сифатида, халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатининг ижодкори сифатида, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишдаги қатъият билан тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатишнинг янги йўллари ва имкониятларини доимий қидиришини башорат ва заковат билан қўша олган раҳбар сифатида бутун инсониятнинг тахсини ва ҳурматини қозонганлиги мутлақ қонуниятли бир ҳолдир.

Л. И. Брежневнинг ялпи тинчлик учун курашдаги ғоят буюк фаолиятини тақдирлаб берилган халқаро мукофотлар ва бошқа мукофотлар — унинг хизматларини коммунистлар ва революционерларгина эмас, шу билан бирга бутун тараққийпарвар инсоният ҳам эътироф қилганлигининг яққол далилларидан биридир.

Л. И. Брежнев раҳбарлигида ўтказилаётган изчил тинчлик ва кескинликни юмшатиш сиёсати озодлик ва мустақиллик учун империалистик агрессияга қарши курашаётган халқларни қўллаб-қувватлашдан иборат қатъий интернационалистик сиёсат билан қўшиб олиб борилаётганлиги ҳам принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Л. И. Брежневнинг коммунистик ва ишчи партиялар бирлигини, бутун дунё пролетариати сафларининг жипслигини, социалистик ҳамдўстлик метинлигини янада мустаҳкамлаш, миллий озодлик ҳаракатлари билан ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш ва бирдамликни кенгайтириш йўлида шахсан сарфлаётган куч-ғайратлари ҳам жуда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Пировардида Л. И. Брежнев билан бўлган учрашув ва суҳбатлардан олган шахсий таассуротларимни айтиб бермоқчиман. Мен Л. И. Брежневни кўп йиллардан бери биламан. Унинг ўз суҳбатдошига қардошларча муносабати, унинг камтаринлиги ва одмилиги, шу билан бирга ўз мулоҳазаларининг теранлиги, ғоят хилма-хил проблемаларни жуда яхши билиши ва уларнинг моҳиятини чуқур тушуниши мени ҳамиша қойил қолдирар эди.

Совет Иттифоқи коммунистлари, совет халқи ва улар билан бирга бутун тараққийпарвар инсоният тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига тарихий ҳисса қўшган улуғ курашчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мен фахрланиб ўз дўстим деб атайдиган ажойиб ўртоқ Л. И. Брежневнинг шонли юбилейини нишонлаётганликлари бизни ғоят тўлқинлантиради ва қувонтиради.

**ФИНЛЯНДИЯ.** «Вальмет» кемасозлик верфида «РО-РО» типидаги иккинчи йирик юк ташувчи кема — «Комсомольск» теплоходи фойдаланишга топширилди. «Магнитогорск» номли биринчи кема шу йилнинг баҳорида етказиб берилган эди.

Бу кемалар техникани ташишга мўлжалланган. Улар шу типдаги энг йирик юк ташувчи кемалардир. Суратда «Комсомольск» теплоходи.

ТАСС фотохроникаси.

## КИПР МУАММОСИ БАРТАРАФ ЭТИЛСИН

**НЬЮ-ЙОРК, 13 декабрь. (ТАСС). БМТ Бош секретарининг бу ерда тарқатилган докладида миллатларнинг халқаро уюшмаси Кипр проблемаси ҳамон бартараф этилмай қолаётганлиги муносабати билан ташвишланаётганлиги ифода этилган.**

Кипрдаги кескинлик давом этмоқда, деб таъкидланади докладда. 1974 йилда Кипрда содир бўлган воқеаларга ташқи кучларнинг аралашуви натижасида вужудга келган асосий муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. Шу муносабат билан Бош секретарь Кипр муаммосини республика суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлигига қаттиқ риоя этиш асосида сиёсий бартараф қилиш лозимлигини таъкидлаган.

К. Вальдхайм БМТнинг Кипрда тинчликни сақлаб турган халқаро кучлари ваколатлари шу йил декабрь ойида тугаши муносабати билан хавфсизлик кенгашига шу кучларнинг ваколатини яна ярим йил узайтиришни тавсия қилди.

## «МУВАФФАҚИЯТЛАРИНГИЗ БИЛАН ТАНИШИШДАН БАХТИЁРМАН»

«Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса ер юзида тинчлик учун!» — ана шундай шиор остида Деҳлида Совет Иттифоқининг биринчи миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади. У совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга бағишланган. 30 та ташқи савдо ташкилотлари, министрликлар, СССР Фанлар академияси томонидан ўн минг экспонат қўйилган.

Махсус ажратилган павильонда икки совет республикаси — Белоруссия ва Озарбайжон коммунистик қурилишдаги ўз муваффақиятларини намойиш этмоқда. Уларнинг экспозицияси янги ҳаёт қурилишидаги ютуқлар, мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги туфайли эришилганлигини ишонарли тарзда кўрсатади. Ҳиндистонда Белоруссия ва Озарбайжонни яхши билишади. «Беларусь» тракторлари Панжоб, Харнана ва бошқа штатлардаги ҳосилдор далаларни ҳайдамоқда. Боку нефтчилари тажрибаси ва техникаси Ҳиндистонда «қора олтин» қидиришда, кенг қўлланилмоқда.

Улкан кўргазма комплексини Ҳиндистон ҳукумати бундан тўрт йил муқаддам Осиё халқаро ярмаркаси учун қурган эди. Эндиликда бу ерда Ҳиндистон, СССР, барча ўн беш совет республикасининг байроқлари ҳилпирамоқда. Майдон узра оммавий совет музикаси тароналари янграб турибди.

Ҳиндистонда Совет Иттифоқининг дўстлари кўп. Бизнинг мамлакатимизни совет китоблари ва журналларидан, Совет маданияти уйи мунтазам уюштираётган совет фильмлари фестивалларидан билишади. Мана энди Советлар мамлакати ва унинг ютуқлари билан яқиндан танишиш имконияти туғилди.

Бош павильон — «Миллатлар зали»га кираверишда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Ҳиндистон бош министри И. Ганди, шунингдек, Ҳиндистон Республикасининг асосчиси, Совет Иттифоқининг қадрдон дўсти Жавоҳарлал Неру портретлари қўйилган.

«Космосни тинч мақсадларда ўрганиш ва ундан фойдаланиш» павильони бу ерга келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма шундай ташкил этилганки, унга ташриф буюрган ҳар бир киши Совет Иттифоқи ҳақида ўзи учун керакли ахборотни олиши мумкин. Барча экспозициялар билан танишиб чиққан кишилар кўргазма ҳақида нима дейишмоқда? Таклифлар китобида инглиз, ҳинд ва ҳатто рус тилларида ёзилган таассуротларни ўқиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқига дўстлик туйғуси билан, ана шу гўзал кўргазмани ташкил этганлиги учун миннатдорчилик эҳтироми билан ёзилган. Мана улардан баъзи бирлари: «Азиз дўстларим! Сизларнинг ажойиб муваффақиятларингиз билан танишишдан бахтиёрман. Сизларга бахт-саодат тилайман. Г. Гупта». «Бу—ҳинд халқига мамлакат эллик тўққиз йил ичида нималарга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи энг яхши йўлдир. С. К. Мураҳат», «Ишонаманки, бу ажойиб кўргазма халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, тинчлик ишига ёрдам беради. Г. Нарсингхан».

**Е. ШУБИЧЕВ,**
**АПН махсус мухбири.**
**ДЕҲЛИ.**

# ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БЕЛГРАД**

Ўзининг 30 йиллигини нишонлаган «Мостоградня» қурилиш ташкилотининг меҳнатчилари 400 га яқин кўприк қурдилар. Урушдан кейин дарҳол тузилган бу ташкилот эндиликда юксак даражада ихтисослашган корхонага айланди. Унинг мутахассислари арматурали темир бетондан кўприк қуриш имконини берган бир қанча оригинал ечимларни ишлаб чиқдилар. «Мостоградня» лойиҳасига биноан Белград — Бар магистралида ноёб темир бетон кўприк қуриб битказилди. Ундаги кўприклардан бирининг узунлиги 202 метр. Корхонанинг юбилейига атаб нови-сад шаҳри яқинида Дунай дарёси устига янги кўприк қурилди.

◆ **УЛАН-БАТОР**

**Кейинги ўн йил ичида монгол қурувчилари сафига 16 мингдан ортиқ малакали ишчи қўшилди. Улар мамлакатдаги ва чет эллардаги ҳунар-техника билим юртларида касб ўргандилар. Монголияда 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб қурувчи мутахассислар тайёрлаш кенг тус олди. Ўша пайтда Совет Иттифоқининг ёрдами билан мамлакатда дастлабки ҳунар-техника билим юртлари очилди. МХРдаги капитал қурилиш гуркираб ўсганлиги шуни тақозо қилган эди.**

◆ **ПАНАМА**

Кўп миқдордаги сохта пулларни тарқатиб юрган жиноятчилар шайкаси қамоққа олинди. Улар Панама, Венесуэла ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг кредит қобилиятига ишончсизлик туғдириш, уларда иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтириш мақсадини кўзлаган эдилар.

Панамадаги «Матутино» газетаси шу муносабат билан қуйидагиларни ёзади: қитъадаги реакцион доиралар иқтисодий мустақиллик учун, миллий табиий бойликларни ҳимоя қилиш учун кураш кучайиб бораётган районларда сохта пул ясовчиларнинг фаолиятини авж олдирмоқдалар.

◆ **ТРИПОЛИ**

**Ливия пойтахтида фан ва техника проблемаларига бағишланган конференция очилди. Конференцияда олимлар, олий ўқув юртларининг муаллимлари, саноат, транспорт, энергетика, қурилиш инженерлари ҳамда мутахассислари қатнашмоқдалар.**

**Конференцияда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, авиацияни янада ривожлантириш, граждан қурилиши самарадорлигини ошириш, Ливия экономикасининг турли тармоқларида ишлайдиган миллий кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинмоқда.** (ТАСС).

Факт ва шарҳ

# «ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ-77»

**Республика «Узхозторг» улгуржи базасида ўтказилган ярмарка қарийб икки ҳафта давом этди. «Хўжалик моллари-77» шиори остида ўтган мазкур савдо ярмаркасида 3100 номдаги 204 миллион сўмлик мол намуналари намойиш этилди. «Совет Ўзбекистони» мухбири «Узхозторг» улгуржи базасининг бош товаршуноси С. РУСАНОВАдан мазкур фактни шарҳлаб беришни сўради.**

— Анъанавий равишда ҳар йили ўтказиладиган улгуржи савдо ярмаркаси бу сафар ташкилий жиҳатдан ҳар қачонгидан ҳам намунали бўлди. Ўзбекистоннинг турли шаҳар-қишлоқларидан ярмаркамизга ташриф буюрган савдо ташкилотларининг вакиллари 1977 йилда қандай хўжалик моллари билан савдо қилиш борасида ўз истак-таклифларини билдирдилар ва шартномалар туздилар. Уй-рўзғор, турмушда нималар керак бўлмайди, дейсиз. Хўжаликда оддий михдан тортиб, холодильник ва мебелларгача — ҳамма-ҳаммасининг ўз ўрни бор. Электрчойнак, холодильниклардан «Минск-11», «ЗИЛ», электросамовар ва электронасосларга талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон иқлим шароитига Бокуда ишлаб чиқарилаётган «БК-1500» маркали ҳаво мўътадиллагич аппаратлари айниқса мос тушиб қолди.

Ярмаркада 3100 хил, жами 204 миллион сўмлик хўжалик моллари намойиш этилдики, бу ўз ўрнида савдо ташкилотларига ўзлари истаган мол учун шартномалар тузишда қулайлик яратди. Натижада ярмаркамизда 1977 йил учун қарийб 200 миллион сўмлик хўжалик молларига шартнома тузилди. Бу ўтган йилдагидан 5 миллион сўмга кўпдир.

Улгуржи ярмаркада келаси йил учун киритилган таклифлар асосида Тошкентдаги электр-асбоблари, чинни буюмлари заводи ҳамда Самарқанд чинни заводи билан савдо аҳдномалари тузамиз. Чирчиқ ойна заводи, Бекободдаги металлургия комбинатининг сирли идиш-товоқларига буюртма берилади.

Иттифоқчи республикаларда ишлаб чиқарилаётган турли хил хўжалик молларини ҳам келаси йилдан савдога кўпроқ чиқариш кўзда тутилмоқда. Жумладан, озарбайжонликлар «БК-1500» ҳаво мўътадиллагич аппарати етказиб беришса, Эстония, Рига, Ленинград ва Москваликлар нафис қандиллар тайёрлаб беришади. Улгуржи базамиз республика шаҳар-қишлоқларига хўжалик моллари етказибгина қолмай, мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларига ҳам алоҳида савдо шартномасига мувофиқ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ҳар турли маҳсулотларни етказишда воситачилик қилади. Чунончи, «Самарқанд» холодильниги, сирли идиш-товоқлар, сержило қошиқ-вилкалар, турли чинни буюмлардан иборат хўжалик моллари иттифоқчи республикаларга юбориб турилади. «Узхозторг» базаси орқали чет эл саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган хўжалик моллари ҳам қабул қилинади. Келаси йил ҳам республикамиз аҳолиси вақти-вақти билан Хитой термоси, Югославия, Руминия, Болгария, Чехословакия, Польша мебеллари, ЧССР, Корея, Япония, ГДР чиннилари харид қилишлари мумкин. Хуллас, «Хўжалик моллари-77» шиори остида ўтказилган улгуржи савдо ярмаркаси келаси йили қандай молларга қизиқиш катталигини яна бир бор ойдинлаштирди.



«Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтининг коллективи қишлоқ жойларида барпо этиладиган замонавий объектлар лойиҳаларини тузиб беришда зўр фаоллик кўрсатмоқда. Суратда: Жамоат биноларини лойиҳалаш бўлими ходимларидан Е. Белая (ўнгдан чапга) Т. Кречетова, Ч. Ирманова ва Р. Раҳматуллин ўртоқлар янги лойиҳани кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

# ГИЛАМЧИ ҚИЗЛАР

Шофиркон гилам тўқиш фабрикаси Бухоро областидаги навқирон корхоналардан. Фабрика ишчиларининг деярли 70 процентини хотин-қизлар ташкил қилиб, уларнинг кўпчилиги ҳозир ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда. Шулардан бири Эргашой Ярашовадир. У корхонада «Ўнлар ташаббуси»-га биринчилар қаторида қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган. Кўксини безаб турган Ҳурмат Белгиси ордени ва «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони меҳнатсевар қизнинг ишга чексиз садоқатидан, топширилган вазифа учун чуқур масъулият сезишидан ҳикоя қилади. Эргашой ҳар ойда ўн квадрат метр сифатли гилам тўқиб, сўзининг устидан чиқмоқда.

Фабрикада Эргашойдек серғайрат ишчилар кўп. Улар план-топшириқларини 1,5-2 ҳисса бажариш, малакаларини ошириш ва йилига 4-5 нафардан шогирд тайёрлашни ўзлари учун шарафли бурч деб билишади. Улар навқирон корхонанинг муваффақиятларини таъминламоқдалар. Фабрика коллективи КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқидан руҳланиб, катта довонни эгаллади. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш плани ўнинчи декабрдаёқ уддаланди. Янги йилгача планда белгиланган 500 минг сўмлик ўрнига 600 минг сўмлик юқори ва аъло сифатли маҳсулот тайёрланади.

— Ҳар қандай корхонанинг ютуғи ундаги ҳар бир ишчи ва хизматчининг зарбдор меҳнатидан ташкил топади, — ҳикоя қилади фабрика директори Ҳакимжон Салимов. — Шунинг учун ҳам корхонамиз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари фабрикани кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, кўплаб аъло сифатли гилам маҳсулотлари тайёрлаш резервларини қидирганда, энг аввало, ишчи ва хизматчиларнинг иш шароитини яхшилаш, меҳнатини енгиллатиш, уларга ҳар томонлама қулайликлар туғдиришни ўйлайди. Бусиз сифат ва самарадорликни ошириб бўлмайди.

Бу соҳада фабрикада қатор тадбирлар амалга оширилди. Яқин орада эса корхона қошида болалар боғчаси ишга туширилади. Маиший хизмат кўрсатиш комбинати қурилиши бошланади. Фабрикадан 15-20 километр узоқликдаги Чандир қишлоғида, Охунбобоев номли ва «Ўзбекистон» колхозларида истиқомат қилувчи корхона ишчиларини хизматга олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун махсус автобуслар қатнови йўлга қўйилади.

А. ИСОМИДДИНОВА.

*Газетхонлар илтимосига кўра*

# ПСИХОТЕРАПИЯ: САНЪАТМИ ЁКИ ФАНМИ?

## ВРАЧ ВА БЕМОР

**— Гипноз, аутотренинг, «трансценденталь медитация, психоанализ, группа психотерапияси... Бу сирли ва тушуниб бўлмайдиган методларга қандай муносабатда бўлмоқ керак? Баъзи врачлар психотерапияни ҳамма касалликларни даволаш воситаси деб ҳисоблашади. Бошқалар эса унга эҳтиёткорлик билан ёндашадилар ёки ишонмасликларини яширмайдилар. Баъзилар психотерапевт ҳозирги замон врачига эмас, балки афсунгарга ўхшайди, дейишади. Яқинда совет тадқиқотчиси С. Семечевнинг қизиқ бир мақоласини ўқидим. Унда афсунгарлар, фолбинлар, табиблар аввало психотерапевтлар бўлганлар, дейилади. Психотерапия инсоният тарихининг тонгида, фан вужудга келмасдан олдин пайдо бўлган ва чамаси ҳозир ҳам ўша даврнинг баъзи белгиларини сақлаб қолган. Автор, айрим олимларнинг фикрича, «ҳозирги замон психотерапияси афсунгарлар онгсиз равишда қўлланиб келган асосий психотерапия механизмига кўп нарса қўшгани йўқ» ва «кўпинча беморни тушуниб етиш, унинг проблематикасига кириб бориш даражаси жиҳатидан афсунгарлар классик маълумот олган психиаторларга тенгдир ва ҳатто улардан ҳам устун туради» деб ёзади. Бундан эса қадимги халқларнинг психотерапевтик ва психопрофилактик тажрибасининг рационал мағзини аниқлаш ва уни ҳозирги замон психиатрияси билан қўшиш актуал вазифалардан биридир» деган хулосани чиқаради. Шу тариқа умуман медицина ҳозир мустаҳкам илмий билимлар негизига қурилган-у, лекин психотерапия қадимги табиблардан ҳамон ўрганиши керак эмиш. Шундай бўлса, ҳозирги замон психотерапияси фанми ёки афсунгарликми?**

— Қадимги табобат аҳлининг психотерапевтик санъати кўп асрлик тажрибага таянар эди, бинобарин, уларнинг айрим усуллари ва методларини «афсунгарларнинг усуллари» деб рад этиб бўлмайди. Мен С. Семечев ва бошқа тадқиқотчилар фикрига қўшиламан: ҳозирги замон медицинаси психотерапиянинг қадимги тажрибаси билан бойиши мумкин, чунки очиқдан-очиқ нотўғри ва хурофий тасаввурлар орқасида психик ҳақиқат оламига чуқур кириб бориш яшириниб ётган бўлиши мумкин». Илмий снобизм ҳеч қачон фойда келтирмаган. Ўз вақтида врачлар ва олимлардан иборат комиссия Месмерга ўхшаб гипноз — «ҳайвон магнетизми» ёрдамида — ҳеч қандай дори бермай турли тана касалликларини даволашини ўрганиб, шифобахш таъсир «фақат тасаввурда» эришилади, деб кўрсатиб, бу методни қоралаган эди. Асл моҳияти жиҳатидан эса, бундай хулосага келиш «тасаввурнинг» инсон жисмоний ҳолатига таъсир ўтказиш фактини тан олишдан иборат. Бу факт ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Кўп медиклар буни нега назарларига илмайдилар? Бунинг сабаби шундаки, врачлар тайёрлашнинг анъанавий системаси барча тана касалликларининг «жисмоний» табиати деб аталган томонига ва даволашнинг «жисмоний» методлари етарли эканлигига зўр беради. Шу сабабли кўпчилик врачлар тор мутахассислик бўйича малака оширишни, шу доирада ўралашиб қолишни афзал кўрадилар. Улар психотерапияга назар-писанд қилмай қарайдилар. Бу ишончсизлик сўзда эмас, — ҳар қандай врач психологик, маънавий ва социал факторларни тан олади, — энг аввало кўпчилик шифокорларнинг психотерапия методларини билмаслигида ва психотерапевтлар билан биргаликда ишлашга ҳаракат қилмасликларида намоён бўлади.

Врач тафаккурининг бир томонлама шаклланиши кўп ҳолларда ҳар қандай хасталикнинг патологоанатомик негизини топиш истагини вужудга келтиради. Бу нималарга олиб келади? Маълумки, мисол учун оладиган бўлсак, «операция излаш касаллиги» деб аталган хасталикка учраган хирурглар ҳам бор. Улар ҳамиша касалликнинг асосини ништар ёрдамида топишга уринадилар. Агар бундай врач «операция қилдирмасам бўлмайди» деган фикрга келган бемор билан учрашиб қолгудек бўлса, бу учрашув баъзан ҳам фожиали, ҳам кулгули оқибатларга олиб келади. Мен ҳамиша бирор ерида оғриқ борлигидан шикоят қилиб юрган руҳий беморни билар эдим. Нима бўлди денг? Кўп хирурглар унинг шикоятларига жиддий қараб, беморни 20 мартача операция қилишди. Ўз-ўзидан равшанки, ҳаммаси натижасиз бўлди.

Касаллик табиатини бу тариқа тушуниладиган бўлса, табиийки, психотерапия арзимайдиган афсунгарлик бўлиб кўриниши мумкин.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда психотерапия фанга нисбатан кўпроқ санъат эканлигини тан олиш мумкин. Асосий психотерапевтик методлар илмий жиҳатдан асосланган, турли усулларнинг самарадорлиги аниқланган. Лекин психотерапевт кўп қиррали ва мураккаб шахсни ўзи таъсир ўтказадиган объект қилиб олади, унинг хусусиятларини, унинг проблемаларини аниқлашга, унинг дунёқарашини, ўзини тутишини ўзгартиришга — аслини олганда бемор кишини қайта тарбиялашга ҳаракат қилади. Ҳар бир бемор психотерапевтик методлар ва таъсир кўрсатиш усулларининг индивидуал комплексига муҳтож бўлган алоҳида бир ҳолдир.

Асосий проблема — конкрет бемор учун врачни тўғри танлашдир. Мен институтимизга мурожаат қилган ҳар хил бемор билан суҳбатлашаман. Унинг шикоятларини эшита туриб, анализларни кўриб чиқаман, уни кўздан кечираман. Унинг касаллиги тўғрисида, даволаш методлари тўғрисида ўйламайман, балки бу кишини тушунишга, унинг психологиясини, характерини, ҳаётий интилишларини ва ташвишларини тушунишга, ўзига хос хусусиятларининг такрорланмайдиган комплексини билиб олишга ҳаракат қиламан. Чунки шахс ана шундай ўзига хос хусусиятлар комплексларидан иборатдир. Буларсиз мазкур бемор учун муваффақиятни таъминлай оладиган врачни танлай олмайман. Бир бемор учун оналардек сезгирлик ва муҳаббат билан унинг қалбини тушуниб етадиган кекса аёл — врач зарур бўлса, бошқаси учун ҳар мавзуда фикр юритадиган серсоқол, совуққон рационалист зарурки, энг нозик ва энг қийин проблемаларни ҳал этишда уларнинг ўртасида интеллектуал шерикчилик муносабати юзага келади. Учинчи кишилар учун эса қойил қолдирадиган, ҳаётда гўзаллик кўплигининг рамзи бўлган чиройли, ёш қизлар врачлик қилади.

Шундан сўнг бу икки киши — врач билан бемор ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишининг қийин ва узоқ давом этадиган жараёни бошланади. Одатда бемор бирор жисмоний азоб тўғрисида кўпроқ гапиради. Врач бемор билан биргаликда касалликнинг юзага келишида психологик жароҳат, маънавий синовли, моддий қийинчиликлар, давом этиб келаётган тўқнашувлар қандай роль ўйнаганлигини аниқлаб олиши керак. Объектив қараганда, бу факторларнинг ҳаммаси юзаки кўринишда хилма-хил бўлиб, тўғри хронологик сафга тизилса, жамланиб, врачга ўз ҳаёт проблемалари устида бош қотираётган инсон шахси чуқур реакцияларини очиб беради.

Бундай ёндашилганда бемор ўзига жонсиз, «синган» буюм деб қарамаётганликларига, уни бўлак-бўлак қилиб ташламаётганликларига, балки унинг жисмоний ва маънавий соғ-саломатликка эҳтиёжини қондиришга уринаётганликларига ишонч ҳосил қилади. Унинг проблемалари «ҳисобга» олинганлигини сезгани учун врачга ишонади.

Табиийки, врач унинг психикаси ва танасини комплекс даволашни ташкил этади. Бироқ ҳозирги кунда соматик касалликлар соҳасида ҳам, психотерапия соҳасида ҳам мутахассис бўлган кўп қиррали врачлар камдан-кам топилади. Шу сабабли врач ва бемornинг икки томонлама алоқаси ҳамиша ҳам кутилган натижани беравермайди. Бу ўринда психосоматик бригада зарур. Бундай бригадада турли мутахассисликдаги врачларнинг ҳамкорлиги ўрнатилган бўлади.

**— Сиз айтган бемор учун машаққатли ва мураккаб врач танлаш иши қанчалик зарурлиги тўғрисида мутахассис бўлмаган кишига бирон нарса дейиш қийин. Лекин врач беморга қанча кўп вақт ажратса ва қанча кўпроқ эътибор берса, шунча яхшилиги ҳар қандай одамга ҳам равшан. Афсуски, яхши нарсаларнинг ҳаммасини бажаришнинг имкони йўқ. Ҳозирги замон оламида бундай яхши истаклар реалмикан? Ахир медицинанинг инсонпарвар мақсадларигина эмас, шу билан бирга иқтисодий чеклашлари ҳам бор. Врачнинг вақти шундай бойликки, у оила бюджетига ёки жамият бюджетига оғир юк бўлиб тушиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда врачлар ниҳоятда етишмайди. Лекин врачлар кўп тайёрланган мамлакатларда ҳам уларнинг иши кўп, касалхоналарда жой етишмайди, поликлиникаларда навбат кутиб туришади. Шундай шароитда врач психосоматик ёндашиб, беморга зарур бўлган даражада вақт ҳамда диққат-эътиборини ажрата оладими?**

(Давоми бор).

(Боши газетанинг 14 декабрь сонида).

*Ичкиликбозлик—иллат*

# ПРОФИЛАКТОРИЙ ФОЙДАСИ

Совет кишиларининг моддий ва маънавий ҳаёти кундан-кунга яхшиланмоқда. Партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Лекин фаровон ҳаётимизга доғ тушириб, коммунистик ахлоқ нормаларини қўпол равишда бузаётган шахслар орамизда учраб туради. Уларнинг кўпчилиги ичкиликка ружу қилган кишилардир. Оғир жиноятлар, безориликлар, кўнгилсиз автотранспорт ҳодисалари ичкиликбозлик туфайли рўй бермоқда.

Ичкилик кўпгина оғир касалликларнинг ҳам сабабчисидир. Алкоголизм ана шундай касалликлардан биридир. Алкоголга «банди» бўлган кишиларнинг юраги соғлом одамларникига нисбатан икки баравар катталашади. Ичкиликбозлик кўпинча нафас қисиш (стенокардия) инфаркт-миокард каби оғир касалликларга ҳам олиб келади.

Ашаддий алкоголизмга дучор бўлган кишиларни даволаш, бу касалликнинг олдини олиш муҳим проблемалардан биридир. Бу борада республикамизда кўпгина ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда алкоголизмни даволашнинг янги ва юқори самарали форма ҳамда методлари ишлаб чиқилди ва амалда кенг қўлланилмоқда. Ана шундай формаларидан бири корхоналарнинг медицина пунктларидаги наркология бўлинмаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанишдир.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу соҳадаги иши диққатга сазовордир. Бирлашма ичкиликбозлик туфайли юз бераётган кўнгилсиз воқеалар ва алкоголизм касаллигига мубтало бўлган кишиларни ҳисобга олиб, 1975 йили профилакторий очди.

Бўлинмада даволанаётган ишчи ва хизматчилар ўз цехларида ихтисослари бўйича ишламоқдалар. Уларни ишга ва ишдан автобусда ташилади. Улар белгиланган режим, ички тартиб-қоидаларни, врачлар кўрсатмасини сўзсиз ва тўла бажаришга мажбурлар. Бу ерда даволаш тартиби асосан ўз-ўзига хизмат қилиш усулидадир.

Тарбиявий ишларни яхшилаш мақсадида бўлинмада 9 кишидан иборат шифоланувчилар Совети тузилган. Бўлинмада тез-тез суд, прокуратура, милиция ва соғлиқни сақлаш органлари ходимлари бўлиб, касаллар орасида лекция, суҳбат ўтказадилар. Даволаниш муддати уч ой. Бўлинмадан даволаниб чиққан шахслар беш йил мобайнида (бу муддат кишининг спиртли ичимликларга муносабатини ҳисобга олиб, қисқартирилиши мумкин) шаҳар, район поликлиникаларида, психоневрология диспансерларида ҳисобда турадилар. Бўлинма ходимлари уларнинг турар жойларига, оилаларига бориб, оилага, меҳнатга бўлган муносабатларини текшириб турадилар. Цехларда, бригадаларда улар цех бошлиқлари, бригадирлар, мастерлар ва ишлаб чиқариш илғорлари томонидан оталиққа олинган.

Бўлинма корхона ишчи ва хизматчилари томонидан жамоат тартибини бузишнинг олдини олиш, прогулларни камайтириш ва ниҳоят ишлаб чиқариш планларини бажаришда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бўлинма очилгандан кейин эса прогул уч ярим марта, ёки 2920 соат, пул ҳисобида 19,5 минг сўм (март 1975-1976 йиллар), камайди.

Самарқанд областидаги Жомбой кўчма механизациялашган колоннаси қошидаги районлараро наркология бўлинмаси ходимларининг иши самарали натижа бермоқда. Бошқа корхоналардан ҳам бу ерга даволанувчилар кўплаб келяпти. 135 кишига мўлжалланган бу бўлинмада икки йил мобайнида мингдан ортиқ киши шифоланиб чиқди, даволаниш самарадорлиги 34 процентга етди.

Бўлинма очилгандан буён 1976 йил май ойига қадар унинг ҳисобига 102 минг сўмдан ортиқ фойда келди. Шу вақт ичида, Жомбой кўчма механизациялашган колоннасининг маълумотига кўра, даволанаётганлар бажарган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 500 минг сўмдан ошди. Бир кишининг бир ойдаги меҳнат унумдорлиги эса 194 сўмга етди.

Шу нарса диққатга сазоворки, бўлинмада ёрдамчи диагностика даволаш кабинетлари: стоматология, физиотерапия, рентген кабинетлари, лабораториялар мавжуд. Дам олиш хоналари, кинофильмларни намойиш этувчи заллар ташкил этилган. Дам олиш хоналарига телевизорлар, магнитофонлар қўйилган.

Кўриниб турибдики, бундай бўлинмалар жамиятимизга ҳар томонлама фойда келтиряпти. Биринчидан, ашаддий ичкиликбозларни меҳнат жараёнида тарбиялаш, уларни коммунистик ахлоқ қоидаларига амал қилиш руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда. Ҳар бир ишчи кучи учун кураш, бунинг асосида эса юксак иқтисодий самарадорликка эришиш йўлида яхши натижа беряпти.

Республикамиз корхоналари, ташкилотлари мазкур наркология бўлинмаларининг иш тажрибаларини ўрганиб, уларни ўзлаштирмоқлари зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Э. ТУРДИҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги милиция маъмурий хизмати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция старший лейтенанти.**


*Реклама* ВА ЭЪЛОНЛАР

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/XII да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XII да **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/XII да **Қонли тўй.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XII да **Ишқ қурбонлари.**

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион ревюнинг хайрлашув гастроллари** (19.30).

## Кино

**Виннету — Инчу-Чун ўғли** — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

**Менга сўз беринг** — «ҚОЗОҒИСТОН» (16, 17, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (14, 20.00), «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.15), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Ар-хи-мед-лар!** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 16.30, 18.00), «НУКУС» (жуфт соатларда).

●

**Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг**

НОВГОРОД ОБЛАСТИДАГИ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ

(Шимск, Парфинск, Поддорск, Холмск, Солецк, Волотовск ва Новгород)да

**МЕЛИОРАЦИЯ ВА ЕРЛАРНИ СУҒОРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАЛАРИ ВА УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ҚУРИЛИШИНИ ОЛИБ БОРАЁТГАН**

«УЗНОВГОРОДВОДСТРОЙ» ТРЕСТИГА

**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР**

**КЕРАК**

МЕЛИОРАЦИЯ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА

**гидротехника инженерлари** (ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна бошлиқлари, бош инженерлар, ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиқлари, прораблар, катта прораблар, мастерлар); **инженер-механиклар** (бош механиклар, участка механиклари); **ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна ва трестнинг бош бухгалтерлари;**

САНОАТ — ГРАЖДАН ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА:

**инженер-қурувчилар** (участка бошлиқлари, ишлаб чиқариш бўлими бошлиқлари, прораблар, катта прораблар, мастерлар); **инженер-экономистлар** (план бўлими бошлиқлари, техника ва эҳтиёт қисмлар бўлимлари, катта инженерлар); **3-6 разрядли ишчилар; бульдозерчилар, тракторчилар, экскаваторчилар, ғишт терувчилар, бетончилар, дурадгорлар, арматурачилар, кранчилар, автокранчилар, слесарь-монтажчилар, слесарь-ремонтчилар, автослесарлар, дренаж бригадаларининг ишчилари.**

**КОМАНДИРОВКА ҚИЛИНГАНЛАРГА КОМАНДИРОВКА ҲАҚИГА ҚЎШИМЧА ЯНА 50 ПРОЦЕНТ МИҚДОРИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ, ТУРАР ЖОЙИ БЎЙИЧА УЙ-ЖОЙИНИ** (қайси идорага тегишли бўлишидан қатъий назар) сақлаб қолинади.

Ёлғиз кишиларга, ётоқхона, оилалиларга ишлаган жойи бўйича Новгород областининг марказий районларидан бир йил мобайнида уй-жой берилади.

**Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этишингиз мумкин:** Новгород шаҳри, кадрлар бўлими, телефон 7-20-27, Тошкент шаҳрида эса — 41-49-42.

**Кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа қуйидаги адресга юборилсин:** 173015, Новгород шаҳри, Желябов кўчаси, 21/59, «Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг «Узновгородводстрой» трести.

**ЧАҚИРИҚ ҚОҒОЗИ БИЛАН БОРИЛАДИ.**


Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Ўзбекистон тери ва венерик касалликлар илмий-тадқиқот институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари клиника врачи У. Ю. Шофайзиевга

отаси

**Шофайзи ШОЮСУПОВнинг**

ва ўғли

**Асадулла ШОФАЙЗИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси коллективи редакция ҳузуридаги штатсиз қабулхона ходими И. Аҳмедовга қизи

**Зулфизар АҲМЕДОВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

# «ҚУЁШ УЙҒОНМОҚДА»

**Қуёш активлигининг ошиши — табиатдаги нодир воқеалардан бири. Мутахассисларгина эмас, кўпгина астрономия ишқибозлари ҳам 1969—1970 йилларда Қуёшдаги доғлар ниҳоятда кўпайиб кетганлигининг гувоҳи бўлишган. Кейин эса узоқ сокинлик даври бошланди — гўё қуёш яна куч йиға бошлади.**

**Олимлар шу йил август ойларида Қуёш фаолиятидаги навбатдаги цикл «ҳужум»нинг белгилари пайдо бўлаётганлигини қайд қилдилар. Уларнинг фикрларича, Қуёш активлиги ҳар ҳолда 1980—1981 йилларга келиб, кучайса керак.**

**Қуёшдаги доғлар сони ўрта ҳисобда ҳар 11 йилда жуда кўпайиб, шундан сўнг аста-секин камаяди. Активлик ошган пайтда Қуёшнинг бизга қараган томони ёрқинлиги ўзгармай қола беради. Иссиқлик тарқатувчи нурнинг кучи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қуёш активлиги ошганлигини астрономлар доғлар кўпайганлигидан ташқари кучли хромосферик чақмоқлар пайдо бўлганлигидан ҳам биладилар. Бу чақмоқ магнит бўронлари ва қутб ёғдусини вужудга келтиради.**

**Навбатдаги Қуёш активлигининг энг кўп ошишига ҳали анча бор. Лекин Қуёшдаги ҳар бир ўзгаришни одамлар соғлиғига зарар деб ҳисобламасликни олдиндан айтиб ўтган маъқул. Масалан, 1957—1958 йилларда Қуёш активлигининг кучи ҳаддан ташқари зўр бўлган. Лекин у планетамиздаги ҳаётга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаганини яхши биламиз. Бироқ, ўшанда айрим кишилар Қуёш активлигининг зарари ҳақидаги миш-мишларга ишониб, ҳатто дам олиш учун курортларга ва санаторийларга боришдан ҳам воз кечишган. Илмий тадқиқотлар бу тўғридаги миш-мишлар асоссиз эканлигини исботлайди.**

## Телевидение

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Қувноқ стартлар. 11.15 — Кинопрограмма. 11.40 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — **«Йўлбарслар» муз устида** (бадиий фильм). 17.45 — Фан оламида. 18.15 — Горнчилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Жасорат». 20.00 — Концерт. 20.15 — **Бизнес оламида** (2-кўрсатув). 20.45 — **Медео** (ҳужжатли фильм). 20.55 — **Само қалдирғочлари** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Само қалдирғочлари** (бадиий фильм, 2-серия). 23.35 — «Спортлото» тиражи. 23.45 — Концерт.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Физика. 13.00 — **Қилич ва қалқон** (бадиий фильм), 1-серия). 18.30 — Қувноқлар даврасида. 18.55 — Нафосат оламида. 19.25 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Умаржон Исмоиловнинг ижодий портрети. 20.45 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Қилич ва қалқон** (бадиий фильм, 3-серия).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.05 — **Чавандозлар** (бадиий фильм, 1-серия). 20.10 — Метросозларнинг зарбдор вахтаси. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Француз тили. 21.15 — Ўқитувчи экрани. 21.55 — Олий математика.

## Радио

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Ўзбекистон композиторларининг оммавий қўшиқлари. 11.15 — **Коммунистлар ҳақида ҳикоялар.** 11.30 — Социализм мамлакатлари халқларининг куйлари. 12.10 — **«Узбекистан индустриальный».** 13.30 — «Орзра» вокаль-чолғу ансамблининг концерти. 16.10 — «Тошкент консерваторияси 40 ёшда». Музикали эшиттириш. 18.30 — **Спорт эшиттириши.** 19.00 — Москва. **«Миллионлар ленинча университети».** 19.20 — Иттифоқдош республикалар санъат усталарининг концерти. 20.20 — Талабларингизни бажо келтирамиз. Концерт. 21.00 — Композитор М. Левиев асарлари. 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — **Шеърият кечаси.** 23.15 — Тинглаб дам оламиз.

## Об-ҳаво

Бугун кундузи республиканинг ҳамма районларида ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Фарғона, Андижон областларининг айрим жойларига эрталаб туман тушади. Шарқ томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат Қорақалпоғистон АССРда 0-5 даража совуқ, Бухоро областининг шимолий районларида 2 даража совуқ, 3 даража иссиқ атрофида бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кучсиз шамол эсади. Кечаси айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи 3-5 даража иссиқ бўлади.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 02788. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 290.